



MILLIY TIKLANISH

45 (158) ● 2011 йил 16 ноябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
www.milliytiklanish.uz ● 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Рақобат

Янги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, ҳозирги кунда рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш амалдаги қонуности ҳужжатларидан иборат бўлган меъёрларнинг жамланишини таъминлаб беради. Шунингдек, мазкур соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг очиқ-ошкора-лиги, самарадорлигини оширади.



Янгиликка интилиб яшаш

Ёш авлодга билим сирларини ўргатаётган устоз дунёқараши, илми қанчалик кучли бўлса, бу фазилат унинг ўқувчиларида ҳам ўз аксини топади. Моҳир ўқитувчи ҳар бир дарсида бирор янгилик топиб, уни бойитади. Шунингдек, ўқувчига дўстона муносабат, ўқитувчи ўқувчи билан дўстлашуви, кўнглига йўл топа олиши, дарсда ўқувчи ўзини эркин тутиши энг муҳим масала.



Орзулари бир олам қиз

«Ўздан ортиқ шоғирдларим каштачилик билан шуғулланишди. Уларга бу касбнинг сирларини ўргатишни яхши кўраман. Сабаби, қизларимиз ўзлари, яқинлари учун миллий матолардан либослар яратсалар, аёлларнинг эғнида миллийлик акс этган кийимларни кўрсам хурсанд бўламан».



2 СИЁСАТ

6 ЖАРАЁН

8 КЎЗГУ



● ХАБАРЛАР

Кенг имкониятлар самараси

Наманган шаҳридаги «Ёшлар маркази»да Конституциямизнинг 19 йиллигига бағишлаб, «Ўзбекистон — умимий уйимиз» шиори остида дўстлик фестивали ҳамда «Биз — ягона Ватан фарзандларимиз» мавзuida илмий-амалий анжуман ўтказилди. Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида барча миллат ва эллат вакилларининг меҳнат қилиши, ўқиб, изланиши, ўз салоҳиятини кенг намойиш этиши учун барча имкониятлар яратилган. Юртимизда миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликнинг қарор топгани тараққиёт ва халқимиз фаровонлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Фестиваль доирасида миллий маданият марказларининг халқ амалий санъати буюмлари кўргазмаси намойиш этилди.

● КЎРИК-ТАНЛОВ



Аниқ мақсад, изчил ислоҳотларнинг юксак самаралари

«Соғлиқни сақлашни яхшилаш биринчи даражада аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш зарур. Бу тармоқ моддий базасининг ниҳоятда қашшоқ эканлиги устига, бизда бу соҳа яхши ташкил этилмаган ва самарали фойдаланилмаётган. Миллатнинг зурриёт фондини, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ҳалокатдан сақлаб қолиш учун кенг кўламли тадбирларнинг катта комплексини амалга ошириш керак бўлади. Муаммо аллақачон вилоятлар доирасидан чиқиб, умумдавлат вазифаси даражасига кўтарилди.»

Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиши ҳуқуқига эга.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 40-модда)

ган стратегик ислоҳотларни амалга ошириш талаб этилади. Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йилларидан мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, аҳоли барча қатламлари малакали тиббий хизматдан фойдаланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, бир сўз билан айтганда, халқимиз саломатлигини асрашнинг самарали механизмини шакллантириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан этиб белгилади.

МУСТАҚИЛ ВАТАНИМИЗНИНГ ИЛК ОРДЕНИ

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1993 йили мустақил Ватанимизнинг илк ордени «Соғлом авлод учун» номи билан таъсис этилди. Бунинг замирида мустақил Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратиш, миллат генофондини асраш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдек улғувор мақсад мужассам.

«Соғлом авлод учун» ордени бугун мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш,

атроф-муҳитни яхшилаш, соғлом авлодни камол топтиришга ҳисса қўшаётган ҳамюртларимиз меҳнатининг юксак эътирофи бўлиб хизмат қилмоқда. Айни пайтда тиббиёт ходимлари фидокорона меҳнатининг юксак эътирофи сифатида Юртбошимиз ташаббуси билан 2006 йил 12 сентябрда «Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга биноан тиббиёт ходимларининг касб байрами ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи яшанбасида мамлакатимизда кенг нишонланмоқда. Зеро, бу юртимизда инсон манфаатлари ҳамisha устуворлигининг яна бир тасдиғидир.

Президентимиз Ислоом Каримов Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида йигирма йил давомида юртимизда бир ёшгача бўлган гўдаклар ва оналар ўлими 3 баробардан кўпроқ камайгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 7 йилга ўзайиб, эркаклар ўртасида 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етганини алоҳида таъкидлади.

5-бет

Болалар тарбиясига кўмак

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоялаш, уларни турли иллатлардан муҳофаза қилиш масалаларига бағишлаб матбуот анжумани ўтказилган.

Сўзга чиққанлар мамлакатимизда келажақ эгалари бўлган ёшларнинг ҳар томонлама соғлом вояга етиши йўлида барча шарт-шароит яратилганини алоҳида таъкидлади. Фарзандларимиз бўш вақтини мазмунли ўтказишига кўмаклашиш борасида ички ишлар идоралари ва маҳаллалар ўртасида изчил ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шунингдек, болалар иштирокида турли профилактика тадбирлари олиб борилаётгани, назоратсиз қолган вояга етмаганларни аниқлаб, уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилаётгани ўз самараларини бермоқда.

Ифтихоримиз тимсоли

Тошкент давлат юридик институтида «Давлатимиз байроғи — ифтихоримиз тимсоли» мавзuida маънавий-маърифий анжуман бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, 1991 йилнинг 18 ноябрь кунини Президентимиз Ислоом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонунда белгиланганидек, миллий байроғимиз давлат суверенитетининг рамзидир. Интерфаол усулда ўтказилган тадбирда қонунчиликдаги мазкур ўзгаришлар мазмун-моҳияти ва аҳамияти ёшларга яна бир бор ҳаётий ва таъсирчан мисолларда тушунтирилди. Қонунда белгиланган вазифалар ижросида аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Ташаббускор ва ижтимоий-сиёсий фаол

ЁШЛАР БЕЛЛАШДИЛАР

Юртимизда истиқлол йилларида Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида ёшларни билимли, заковатли, етук, ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етказиш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ёш авлодни миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат, бой тарихий, маънавий меросимизнинг ҳақиқий билимдонли, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялашга кўмаклашишни мақсад қилган Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам ана шу йўналишда мунтазам турли тадбир, даяра суҳбати, форум ва кўрик-танловлар ташкил этмоқда.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси ташаббуси ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамкорлигида худудий партия ташкилотлари «Ёшлар қаноти» қошидаги «Ёш сиёсий билимдонлар» клуби аъзолари ўртасида «Мустақилликка 20 йил: ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар ёшлар нигоҳида» мавзuida ўтказилган минтақавий кўрик-танловнинг республика босқичи бўлиб ўтди.

3-бет

● НИГОХ

Янги тарихимизга доир энг нодир манба

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКISTON МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ ОСТОНАСИДА» КИТОБИНИ ЎҚИБ

Мамлакатимизда бугунги эркин ва озод, тинч ва осуда ҳаётимиз қадрини, мустақиллик берган имкониятларни чуқур англашда, юртдошларимиз онгу шурида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини тарбиялашда Ўзбекистон Республикаси Президентини асарларининг кучи ва таъсири беқиёс. Авваламбор, Юртбошимиз асарлари халқимизни, айниқса, ёшларимизни Ўзбекистоннинг энг янги тарихини чуқур англаб ва идрок этиб, юртимизнинг кўп мингйиллик тарихи ва қадимий шухрати, мустақиллик шарофати ила бугунги қудрати ва салоҳияти, жаҳон майдонидаги обрў-эътиборига ҳар томонлама муносиб бўлиб яшашга ўргатиши билан улкан аҳамиятга эгадир.

2-бет

«Milliy tiklanish» газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



СИЁСАТ

НИГОХ

Янги тарихимизга доир энг нодир манба

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ “ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ ОСТОНАСИДА” КИТОБИНИ ЎҚИБ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маълумки, 1991-2011 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларининг 19 та жилди нашр этилди. Ислам Каримовнинг бу кўнгилд-лигидан “Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли” (1992), “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг” (1993), “Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли” (1993), “Биздан овоз ва обод Ватан қолсин” (1994), “Истиқлол ва маънавият” (1994), “Ватан саждагоҳи каби муқад-

лар кўрсатиб ўтилган. Бу мураккаб, ғоятда кенг қиррали ва улкан кўламли мавзуларнинг айнан истиклолимиз меъмори, мустақил миллий давлатчилигимиз асосчиси, йигирма йилдан ортиқ буюк тарихий давр ичида юз берган ўтиш, ривожланиш ва юксалиш жараёнларининг марказида турган, уларнинг барчасини ўз қалбидан ўтказган инсон — Юртбошимиз томонидан илмий назарий ва амалий жиҳатдан катта тажриба, теран таҳлил асосида ёритиб берилиши наинки мамлакатимиз аҳли, балки жаҳон жамоатчилигининг ҳам ушбу китобларга бўлган қизиқи-

лайди. Қолаверса, Юртбошимиз айтганларидек, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” эканидан огоҳлантиради, ўзига хос ибрат, оқибат дарсини ўтайди. Ва албатта, китобнинг ҳар бир саҳифаси бизни наинки тарихий кечмишдан сабоқ чиқаришга ва бугунги саодатли кунларимиз учун шукрона қилишга, айни вақтда ёруғ келажакимиз йўлида бирлашишга, аҳил ва ҳамжиҳат бўлишга даъват этади.

Китобни ўқиб-ўрганиш асосида жамоатчилигимизда “**бугунги кунда дунёда “Ўзбек модели” деб ном олган тарихий ўқимизнинг асосий**

хушёр, огоҳ ва сергак бўлиб яшашга даъват қилишини эътироф этиш жоиз.

Ҳақиқатан ҳам, китобдан ўрин олган тарихий ҳужжатлар бугунги ва келгуси неча-неча авлод ёшларимизни Ватанимизнинг энг янги тарихини чуқур англаб, ундан зарур сабоқ ва хулосалар чиқариб яшашга ўргатса, ўрта ва катта авлод вакиллари учун яқин ўтмишда ўзимиз гувоҳ бўлган воқеаларни кўз ўнгимизда қайта жонлантириш, қалб ва тафаккур кўзгусидан яна бир бор ўтказиш имконини беради. Юртбошимизнинг ўша мураккаб тарихий даврда сўзлаган маъруза ва нутқлари, суҳбат, мақола ва интервьюларини ўқиш жараёнида ҳар биримиз энг янги тарихимизнинг ўзимиз билган, билмаган яна кўплаб қирраларини янгитдан кашф этамиз, истиқлол моҳиятини янада чуқурроқ англаймиз.

Хусусан, мен ўзим 1985-1994 йиллар мобайнида республикамизнинг бир қатор илмий ва таълим муассасаларида ишлаган мутахассис сифатида Ўзбекистоннинг дунёда ўхшаши кам бўлган ноёб таълим лойиҳаси — 1997 йили қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг мазмун-моҳияти, асосий мақсад ва вазифалари, устувор йўналишлари ҳақида Юртбошимизнинг 1990 йилдаги чиқишларини мутолаа қилиб жуда таъмирландим. Ва беихтиёр шўро тузумининг охириги йилларида юртимизда илм-фан ва таълим соҳасининг моддий-техник базаси, кадрлар таркиби қандай ачинарли аҳволга тушиб қолгани бирма-бир хаёлимдан ўтди. Ушундай оғир вазиятда ҳам Ислам Каримов миллий таълим тизимининг истиқболига катта ишонч билан қарагани, бу ишонччи соҳа вакиллари билан онгу шуурига сингдириб, уларни нечоғли улугвор ишларга сафарбар этгани ҳақида мушоҳада қилдим.

Шуққри, бу борада узок ва давомли мақсадларни кўзлаб билдирилган фикрлар истиқлол

Неча юз йиллар давомида озодликка интилиб яшаган халқимизнинг ана шу ҳал қилувчи уч йил давомида кечган суронли, изтиробли, умидли кунларини ўзида акс эттирган бу китоб бизни ўтмишни унутмасликка чорлайди. Қолаверса, Юртбошимиз айтганларидек, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” эканидан огоҳлантиради, ўзига хос ибрат, оқибат дарсини ўтайди. Ва албатта, китобнинг ҳар бир саҳифаси бизни наинки тарихий кечмишдан сабоқ чиқаришга ва бугунги саодатли кунларимиз учун шукрона қилишга, айни вақтда ёруғ келажакимиз йўлида бирлашишга, аҳил ва ҳамжиҳат бўлишга даъват этади.

дасдир” (1995), “Тарих гилдираги орта қайтмайди” (1996), “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” (1997), “Баркамол авлод орзуси” (1998), “Кўчи давлатдан кўчи жамият сари” (1998), “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” (1998), “Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда” (1999), “Овоз ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз” (2000), “Тинчлик учун сурашмоқ керак” (2001), “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари” (2002), “Ислохотлар стратегияси — мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш” (2003), “Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан иччил бориш — асосий вазифамиз” (2004), “Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди” (2005), “Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш — устувор вазифамиздир” (2006), “Асосий мақсадимиз — юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир” (2007), “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш — барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир” (2008), “Юксак маънавият — энгилмас куч” (2008), “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шариоатида уни барқарор қилишнинг йўли ва чоралари” (2009), “Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор” (2009), “Бизнинг эзгу мақсадимиз — тараққиёт тоғдан давлатлар қаторига қиришдан иборат” (2010), “Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини иччил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилдир” (2010), “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” (2011), “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” (2011) каби асарлари, дастуриламал маъруза ва нутқлари ўрин олган.

Президент асарларида иқтисодиёт, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий тараққиётнинг долзарб масалалари чуқур тадқиқ қилинган, Ўзбекистоннинг мустақил ички ва ташқи сиёсати тизимли равишда илмий асослаб берилган, ҳозирги ва истиқболдаги устувор вазифалар ва йўналиш-

шини янада оширмоқда. Шу боис Ўзбекистон Президентининг асарлари инглиз, француз, немис, испан, хинд, хитой, араб, корейс, турк ва бошқа хорижий тилларга таржима қилиниб, бир неча бор нашр этилган ва тақдиротлари ўтказилган.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” номли китобида мустақилликка эришиш даври, Ватанимиз мустақиллигини кўлга киритиш қандай шароитда кечгани ҳақида яхлит, ягона ва ҳолис кўз билан қараб баҳо берадиган жиддий таҳлил-тадқиқот ҳозиргача амалда йўқлиги афсус билан қайд этилган. Шунинг билан неча йил вақт ўтди. Ушунда давлатимиз раҳбари ўтган давр мобайнида босиб ўтган мураккаб йўлимизга яна бир назар ташлаб, мустақил миллий тараққиётимиз давомида амалга оширган тизимли ва залворли ишларимиз, эришган натижаларимизни ҳолисона баҳолаш ва уларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг эътибори ва онгу шуурига етказиш мақсадга мувофиқ эканига диққатимизни қаратган эди. Шу маънода, “...**истиқлол ўзбек халқига туҳфа тарихисидда берилмагани — буларнинг барчаси ҳақида ҳар тарафлама чуқур ёритиб ва исботлаб берадиган изланиш ва таҳлил бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмагани**” алоҳида қайд этилиши бежиз эмас. (16-жилд, 4-бет)

Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллик қутлуғ байрами арафасида Юртбошимизнинг “**Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида**” китобининг нашр этилиши ана шу бўшлиқни тўлдирishi йўлида моҳият эътибори билан, ҳеч шубҳасиз, алоҳида ўрин эгаллайди. Бинобарин, қанча-қанча аждодларимизнинг асрий орзуси бўлган, бугунги кунда кўпмиллатли халқимиз учун энг улуг, энг азиз қадриятга, барча эзгу мақсад ва ҳаракатларимиз, бунёдкорлик ишларимизнинг ҳаётбахш манбаига айланган истиқлолга эришиш йўлида 1989-1991 йиллар мобайнида олиб борилган ўта оғир ва машаққатли курашлар тарихи бу китобнинг бош мавзусини ташкил этади.

Неча юз йиллар давомида озодликка интилиб яшаган халқимизнинг ана шу ҳал қилувчи уч йил давомида кечган суронли, изтиробли, умидли кунларини ўзида акс эттирган бу китоб бизни ўтмишни унутмасликка чор-

принципларининг дастлабки куртаклари сокин кабинетларда эмас, аксинча, ўша йилларда кескин сиёсий курашлар, баҳс ва тортишувлар жараёнида тугилиб, 90-йилларга келиб ахлит таълимотга айланган ҳақида ушбу китобдаги чиқишлар орқали ҳар томонлама тасаввурга эга бўлиш мумкин”, деган мазмундаги ҳолис ва оқилона фикрлар шаклланаётгани ҳар томонлама эътиборга лойиқдир.

Миллий матбуот саҳифаларида ҳам мазкур нашрга “истиқлолимиз тарихининг ёрқин кўзгуси”, “яқин тарихимизнинг адолатли манзараси”, “ўтмиш ва келажак, аждодлар ва авлодлар ўртасидаги ворисийлик ришталарини кунайтиришда бебаҳо манба” деган муносив таърифлар берилмоқда. Бу фикрларга тўла қўшилишимиз, чунки аслида ҳам шундай.

Ҳақиқатан ҳам, китобдан ўрин олган тарихий ҳужжатлар бугунги ва келгуси неча-неча авлод ёшларимизни Ватанимизнинг энг янги тарихини чуқур англаб, ундан зарур сабоқ ва хулосалар чиқариб яшашга ўргатса, ўрта ва катта авлод вакиллари учун яқин ўтмишда ўзимиз гувоҳ бўлган воқеаларни кўз ўнгимизда қайта жонлантириш, қалб ва тафаккур кўзгусидан яна бир бор ўтказиш имконини беради. Юртбошимизнинг ўша мураккаб тарихий даврда сўзлаган маъруза ва нутқлари, суҳбат, мақола ва интервьюларини ўқиш жараёнида ҳар биримиз энг янги тарихимизнинг ўзимиз билган, билмаган яна кўплаб қирраларини янгитдан кашф этамиз, истиқлол моҳиятини янада чуқурроқ англаймиз.

Китоб аввало ҳар томонлама чуқур ҳаётий мантқиққа эга бўлиб, ўзининг аналитик ва илмий таҳлилий руҳи, муаллифнинг юксак интеллектуал салоҳияти, нотиклик маҳорати билан бир қаторда, Ватанга бемисл муҳаббат ва садоқат туйғуси, ҳар қандай шароитда ҳам Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини қатъий тўриб ҳимоя қилишга қаратилган принципал позицияси билан алоҳида ажралиб туради.

Шунингдек, ушбу китобнинг аксарият тарихий ҳужжатлар, айниқса, фотосуратлар, видео-таъсирлар сакланиб қолмаган ўша суронли даврга оид бутунлай бирламчи архив ҳужжатлари, демакки асл манбалар асосида тузилган унинг тарихий ва илмий қимматини янада оширади. Бундан ташқари, китобдан жой олган нутқ ва маърузаларнинг чуқур амалий ва прагматик руҳи, ўша даврга хос бўлган шуроларча “қизил сўз”лардан, яъни баландпарвозлик ва сафсатабозликдан мутлақо холи экани кишида ҳайрат ҳамда ҳавас уйғотади. Энг муҳими, у барчамизни ҳозирги ўта нотинч ва таҳликали замонда доимо

йилларида ҳаётимизда тугал рўёбга чиқди. Бугун Президентимизнинг бевосита раҳнамоллиги руҳи, муаллифнинг юксак интеллектуал салоҳияти, нотиклик маҳорати билан бир қаторда, Ватанга бемисл муҳаббат ва садоқат туйғуси, ҳар қандай шароитда ҳам Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини қатъий тўриб ҳимоя қилишга қаратилган принципал позицияси билан алоҳида ажралиб туради.

Шунингдек, ушбу китобнинг аксарият тарихий ҳужжатлар, айниқса, фотосуратлар, видео-таъсирлар сакланиб қолмаган ўша суронли даврга оид бутунлай бирламчи архив ҳужжатлари, демакки асл манбалар асосида тузилган унинг тарихий ва илмий қимматини янада оширади. Бундан ташқари, китобдан жой олган нутқ ва маърузаларнинг чуқур амалий ва прагматик руҳи, ўша даврга хос бўлган шуроларча “қизил сўз”лардан, яъни баландпарвозлик ва сафсатабозликдан мутлақо холи экани кишида ҳайрат ҳамда ҳавас уйғотади. Энг муҳими, у барчамизни ҳозирги ўта нотинч ва таҳликали замонда доимо

да, эътибор беринг, мустақиллигимиз эълон қилинишидан бир мунча вақт олдин янграганига яна бир бор амин бўлдим. Шундан сўнг 1990 йилнинг 20 июнида Мустақиллик декларацияси эълон қилинди ва унинг 12-бандида ушбу ҳужжат собиқ иттифок ҳудудида биринчи бўлиб Ўзбекистонда мустақил давлатимизнинг Конституциясини ишлаб чиқиш учун асос бўлажани қайд этилди.

Ушунда Президентимиз раҳбарлигида депутатлар, давлат ва жамоат арбоблари, мутахассислардан ташкил топган Конституциявий комиссия тузилиб (мен ҳам ўша Комиссия таркибида бўлганимдан фахрланаман), 1990-1991 йилларда Конституциянинг урта муқобил концепцияси тайёрланди. Булардан энг мақбули танлаб олиниб, у ҳам қайта-қайта таҳрир қилинди, мукамаллаштирилди ва маромига етказилди.

Бугун ҳаммамиз фаҳру ифтихор билан тилга оламизки, 1991 йил 31 августда Президентимиз Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилди. Худди ўша кун парламенти томонидан Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Баёнот, шунингдек, бўлажак Конституциянинг ўзақ қондаларини ўзида акс эттирган “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”-ги конституциявий қонун қабул қилингани ҳам эслатиш жоиз.

Қарийб икки йиллик изчил, мураккаб ва масъулиятли фаолият натижаси ўлароқ тайёр бўлган Конституция лойиҳаси икки мартаба — 1992 йилнинг 26 сентябрь ва 21 ноябрь кунлари умумхалқ муҳокамаси учун газеталарда эълон қилинди. Бу муҳим қадамлар, табиийки, Асосий қонунимизнинг халқчилигини таъминлашда беқиёс аҳамият касб этди. Ва ниҳоят, 1992 йил 8 декабрь кунлари парламент сессиясида депутатлар томонидан Конституция лойиҳаси моддама-модда муҳокама қилиниб, яна бир қатор ўзгаришлар киритилган, Бош қомусимиз қабул қилинган.

Шу тариқа халқимизнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилиши, сайёҳ топшиқ эвазига биз ҳар кун самараларини ўз ҳаётимизда яққол кўраётган, юртимизда ягона миллий ғоя, мантқ ва асос йўналиш билан онгу шуурига сингдириб, уларни нечоғли улугвор ишларга сафарбар этгани ҳақида мушоҳада қилдим.

Шуққри, бу борада узок ва давомли мақсадларни кўзлаб билдирилган фикрлар истиқлол

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



Рақобат

БАРҚАРОР ИСТИҚБОЛГА ЧОРЛАЙДИ

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қуй палатанинг навабтоғи яли мажлиси муҳокамага қўйилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Йиғилишда фракция аъзолари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Фракция аъзолари дастлаб “Солиқ маслаҳати тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилдилар. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги Қарори билан тасдиқланган 2011-2015 йилларда республика микроолиялаштириш ва нобанқ молия сектори соҳасини янада ривожлантиришга доир чора-тадбирларнинг 60-бандига мувофиқ ишлаб чиқилган. Лойиҳада Ўзбекистон Республикаси “Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги Қонуннинг айрим моддаларига аниқлаштирувчи ўзгаришлар, тўлдиришлар ва таҳририй ўзгаришлар назарда тутилмоқда. Жумладан, 3-модда янги таҳрирда баён этилган бўлиб, солиқ маслаҳати фаолиятига янада аниқроқ тушунча берилган, шунингдек солиқ маслаҳати бўйича фаолият турлари ҳам белгилаб қўйилмоқда. 5-модданинг матни 3-модда ўзгарганлиги сабабли янги таҳрирда баён этилган, яъни солиқ солиш объекти ва унинг билан боғлиқ бўлган объектлар ҳисобини юритишни, шунингдек солиқ ҳисоботи-ни тузиш ва тақдим этишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 43, 44-моддаларидан келиб чиқиб солиқ маслаҳати бўйича хизматларни кенгайтиришни назарда тутувчи таҳририй аниқликлар киритилган. Депутатлар кизгин баҳс-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳасини қабул қилдилар.

Шундан сўнг депутатлар “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”-ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар. Қонун лойиҳасига Давлат статистика органларининг халқаро меъёр ва андозаларга мувофиқ янада самарали ишланишни ташкил этиш ҳамда қабул қилинаётган статистика ҳисоботларининг тўлиқлиги ва сифатлигини кунайтириш мақсадида Қонуннинг 6-моддасига ўзгаришлар киритиш тақлифи берилмоқда. Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг амалда-

ги қонун ҳужжатларига зид келмайди ва Давлат бюджетидан қўшимча маблағларни талаб этмайди, статистика тизими фаолиятининг самардорлиги ҳамда статистика ахборотларининг тезкорлиги ва сифатини янада ошириш учун зарурий асос яратади.

Йиғилишда навабтоғи мажлиси — Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги “Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”ни демократик бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш соҳасининг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармойиши ҳамда Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича Комиссиянинг 2011 йил 24 январдаги йиғилишининг баённомаси топшириқларини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган “Рақобат тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, янги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши, ҳозирги кунда рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи амалдаги қонуности ҳужжатларидан иборат бўлган меъёрларнинг жамланганини таъминлаб беради. Шунингдек, мазкур соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишини очик-ошкоралиги, самардорлигини оширади, тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун тенг шарт-шароит яратади, товарларнинг эркин айланishi ва иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлайди. Бу эса рақобат ривожланиши ҳамда унинг товар ва хизматлар бозорларида ҳимоя қилинишининг энг асосий жиҳати ҳисобланади.

Йиғилиш сўнгида муҳокама қилинган масалалар юзасидан фракция нуктаи назари ишлаб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Э.ХУҲАЕВ,
“Milliy tiklanish” мухбири



Акmal SAИДОВ,
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси, профессор

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

● КҮРИК-ТАНЛОВ

Ташаббускор ва ижтимоий-сиёсий фаол

ЁШЛАР БЕЛЛАШДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия МК Ижроия Кўмитаси девони ходимлари, "Ёшлар қаноти" етакчилари, кўрик-танловнинг минтақавий босқич ғолиб жамоалари иштирок этди. Кўрик-танловда ЎзМТДП Хоразм вилояти Кенгаши "Ёшлар қаноти" қошидаги "Сарбон", Навоийнинг "Коинот", Самарқанднинг "Афросиёб", Сурхондарёнинг "Жанубий нуҳоллари" ва Тошкент вилоятининг "Ифтихор" жамоалари ўзаро беллашдилар. Тадбирни очган ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари А.Эшмуродов ёшлар эртанимиз эгалари, Ватанимиз истиқболлари эканлигини таъкидлаб, жумладан, шундай деди:

— Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунларидан ёшларнинг ҳар томонлама бар-

камол бўлиб вояга етишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур танлов ёш авлоднинг ижтимоий-сиёсий фаол, сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан билимли, сиёсий етакчилик маҳоратини оширишда ўзига хос восита бўлади, деган умиддамиз.

Танлов ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" қошидаги «Ёш сиёсий билимдонлар» клуби фаолиятини ривожлантириш, ёшларнинг ўртасида клуб фаолияти, партия мақсад ва вазифаларини тарғиб қилиш, ёшларда сиёсий етакчилик ва ташаббускорлик маҳоратини ошириш, соғлом фикр ва онгли шакллантириш, сиёсий-ҳуқуқий билимларини бойитиш, дунёқарашини кенгайтириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, сиёсий-ҳуқуқий жараёнларда ёшлар иштирокини таъминлаш, интеллектуал салоҳиятини тўлиқ намоён этиши ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилди.

Танловнинг биринчи, яъни

"ташриф карточкаси" шартига мувофиқ ҳар бир жамоа 10 дақиқа ичида ўз номи ва ширини эълон қилди, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ЎзМТДП Устав ва Дастуридан келиб чиққан ҳолда сиёсий қарашларини ифодалади, сиёсий билимлари билан биргаликда ўз минтақасига хос бўлган миллий қадрият, аънана ва урф-одатларини муҳим санлаштирган саҳна кўринишларини намоён этди. Иккинчи, "Куч — билим ва тафаккурда" номли шартга мувофиқ жамоалар ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларга доир саволларга уддабуронлик ва тезкорлик билан жавоб қайтариши талаб этилди. "Ташаббускор ёшлар" шартига эса ҳар бир жамоа ўз ижтимоий лойиҳаларини тақдим этди.

Яқини натижаларга кўра, ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" қошидаги "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби фаолларидан иборат "Коинот" жамоаси ғолиб, деб топилди ва партиянинг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Дилшода ВОХИДОВА, ЎзМТДП Навоий вилоят Кенгаши "Ёшлар қаноти" қошидаги "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби аъзоси, "Коинот" жамоаси сардори, кўрик-танлов ғолиби:

— Партия дастури ва сайловди Платформасида ёшлар онга миллий истиқлол ғоясини синдириш, жамиятимиз тараққиётига тўсиқ бўлаётган турли хил ғоявий таҳдидларга қарши мафқуравий иммунитетни шакллантириш, миллий қадрият, аънана ва урф-одатларимизни эъзозлаш, баркамол авлодни вояга етказишга ҳар



томонлама кўмаклашиш асосий мақсад ва вазифалардан бири сифатида белгиланган. Мазкур танлов ҳам ёш авлодни ташаббускорлик ва фидойиликка чорлаши, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол бўлишлари, сиёсий етакчилик маҳоратини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз. Айниқса, танловнинг учинчи — "Ташаббускор ёшлар" ижтимоий лойиҳалар тақдими шартига ҳар бир жамоа ўз лойиҳаси билан ижтимоий-сиёсий жараёнлардан қанчалик даражада хабардор эканликларини тўлиқ намоён эта олишди.

Раъно ХУДОЙКУЛОВА, ЎзМТДП Сурхондарё вилояти Кенгаши "Ёшлар қаноти" етакчиси, "Жанубий нуҳоллари" жамоаси сардори:

— Мазкур танлов ёшларни ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси, тарғиботчиси, қолаверса, сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада ошириш имконини беради. Бундан ташқари партия "Ёшлар қаноти" фаолиятини республика миқёсида янада ривожлантириш, партияга қизиқувчи ёшлар сонини орттиришга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Дониёр ҚИЛИЧЕВ, ЎзМТДП Хоразм вилояти Кенгаши "Ёшлар қаноти" қошидаги "Ёш сиёсий билимдонлар" клубининг "Сарбон" жамоаси сардори:

— Бугунги танловни мустақилликимизнинг 20 йиллигида ўтказилаётганлигида ҳам ўзига хос рамзийлик бор. Энг қувончлиси, танлов иштирокчилари-

нинг аксарияти мустақиллигимиз билан тенгдош — 20 ёшга тўлган йигит-қизлар.

Танлов биз ёшларга бой тарихимиз, улғу бобокалонларимиз мероси ва бугунги кун билан янада фахрланиш, гурурланиш туйғусини пайдо қилдик.

Ойбек АВАЛБОВЕВ, "Ифтихор" жамоаси аъзоси:

— Энг муҳими, танлов воситасида ўз билим ва кўникмаларимизни яна бир бор синовдан ўтказдик. Сиёсий-ҳуқуқий билимларимизни янада бойитдик, бундан-да фаолроқ бўлишимиз лозимлигини англадик. Яна бир ҳолат, бошқа вилоятлардан келган тенгдошларимиз билан танишиш, дўстлашиш имконига эга бўлдик. Қолаверса, кўрган биланларимиз келгуси фаолиятимизда дастуриламал вазифасини ўташи, шубҳасиз.

Элёрбек АБДУФАНИЕВ, талаба:

— Мазкур танлов шахсан менда жуда катта таассурот қолдирди. Иштирокчи ёшларнинг шижоати, сиёсий-ҳуқуқий савиясини кўриб, очиги, ҳавасим келди. Қолаверса, партия дастурий мақсад ва вазифаларининг миллий қадрият, аънана ва урф-одатларимизни ҳурмат қилиш, эъзозлаш ҳамда қайта тиклашга қаратилганлиги менда гурур уйғотди. Келгусида, албатта, ЎзМТДПнинг фаол аъзоси бўлиш, ана шундай танловларда иштирок этишни кўнглимга тугдим.

Эргаш ХҲҲАЕВ, "Milliy tiklanish" мухбири

● ҚАДРИЯТ

Миллий спорт

ЗАМИРИДА АНЪАНА ВА УРФ-ОДАТЛАРИМИЗ МУЖАССАМ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси "Ёшлар қаноти" ва "Polvonlar Milliy Ensiklopediyasi" жамияти билан ҳамкорликда "Ўзбекистон ифтихорлари — ёшлар даврасида" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони ходимлари, партиянинг Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар Кенгашлари "Ёшлар қаноти" етакчилари, "Polvonlar Milliy Ensiklopediyasi" жамияти, "Кураш" миллий федерацияси вакиллари, спорт усталари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Юртимизда истиқлол туфайли миллий урф-одат ва аънана-ларимизни қайта тиклаш, асраб-авайлаш ва ривожлантиришга доимий эътибор қаратилмоқда. Миллий қадриятларимиздан бири бўлган ўзбек курашининг жаҳон миқёсига кўтарилиши ҳам ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловди Платформаси ҳамда дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда турли спорт федерациялари, жумладан, "Polvonlar Milliy Ensiklopediyasi" жамияти билан ҳамкорлик меморандуми имзолаган. Шу боис ўзаро ҳамкорликда қатор тадбир, давра суҳбати, фестиваль ва спорт мусобақалари ташкил этиб келинмоқда.

Мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов

раҳнамолигида барча спорт турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Юртбошимиз ташаббуси билан 1998 йил 6 сентябрда Халқаро Кураш Ассоциацияси тузилиб, миллий спортимиз — кураш халқаро спорт тури сифатида расман эътироф этди. Дунёнинг 28 давлати вакиллари иштирокида ўтказилган Таъсис конгрессида Халқаро Кураш Ассоциацияси (КХА) асос солинди. Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг 1999 йил 1 февралдаги "Халқаро Кураш Ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони миллий кураш ривожини янги босқичга кўтарди. Мазкур ислохотлар самараси ўлароқ, бугун юртимизда қўллаб-қувватловчилар етиштириб чиқди. Улар жаҳон ареналарида Ўзбекистон шаънини ҳимоя қилмоқдалар.

Партия Дастурида белгиланганидек, миллий тикланишнинг бош принципи — бу аънана-лар ва тараққиётнинг бирдамлик принциpidир. Шу боис, миллий қадрият ва аънана-ларимизни қайта тиклаш, ривожлантириш ҳамда бу борада қўлга киритилган ютуқларни тарғиб қилиш, кенг оммага етказиш ЎзМТДПнинг асосий вазифаларидан бири саналади.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга хизмат қилаётгани, миллий спорт турларининг ривожланиши, бугун мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам замонавий спорт мажмуалари, стадионлар, сув ҳавзалари қад ростилагани ва бунинг натижасида қўллаб-қувватловчи спортчилар кашф этилаётганлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Э. САМАДОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

● СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди ва Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси Адлия ва Молия вазирликлари билан ҳамкорликда "Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари грант лойиҳаларига ажратилган молиявий маблағларни мақсадли ва самарали ишлатилишини мониторинг масалалари" юзасидан семинар-тренинг ўтказилди.

Унда Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди ва Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси аъзолари, Адлия ва Молия вазирликлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлардаги ҳудудий бошқарма ва бўлинмалари, Ўзбекистон Республикаси Нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинар ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларига ажратилган молиявий маблағларни мақсадли ишлатилишини мониторингини шакллантириш, лойиҳаларнинг ижтимоий аҳамиятини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш, лойи-

ҳалар сифат ва самарадорлигини ошириш асосида жамиятда ижтимоий шерикчиликни янада қўллаб-қувватлашнинг илғор усулларини ҳаётга тадбиқ этиш мақсадида ташкил этилди.

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунларидан кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш стратегик вазифа қилиб белгиланган. Айни пайтда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида фуқаролик жамиятининг муҳим белгиси бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди ҳамда тарқиб нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотлари билан бирга депутатлар, сенаторлар, адлия ва молия тизимларининг вакиллари билан иборат бўлган Парламент комиссияси фаолият юритмоқда.

— Парламент комиссияси фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашда давлат бюджетидан ажратилган молиявий маблағларни яна-

да очик, ошқора, аник йўналтирилган ва энг муҳими, демократик асосда тақсимланишини таъминлаш имкониятини яратди, - деди Парламент комиссияси раҳбари А. Саидов. — Хусусан, ўтган йиллар давомида Жамоат фонди томонидан фуқаролик жамияти институтлари тақдим этган турли ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Парламент комиссияси қарорлари асосида, давлат бюджетидан 15,4 млн. сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Кейинги тўрт йил ичида Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан 18 мартаба фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий лойиҳаларини молиялаштиришга қаратилган республика грант танловлари ўтказилди. Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, қонун устувор бўлган ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти ривожланишининг устувор йўналишларига доир мавзуларни қамраб олган танловларда 1200 га яқин фуқаролик жамияти институтлари 1500 дан ортиқ турли ижтимоий лойиҳалари билан иштирок этди. Жумладан, Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди 2008-2011 йил-

Кучли фуқаролик жамияти

УНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИДА СЎНГИ ТЎРТ ЙИЛ ИЧИДА ЖАМОАТ ФОНДИ ТОМОНИДАН 3,8 МИЛЛАРД СЎМЛИК 331 ТА ИЖТМОИЙ ЛОЙИҲА МОЛИЯЛАШТИРИЛДИ



лар давомида 3,8 млрд. сўмлик 331 та ижтимоий лойиҳани молиялаштирди.

Тадбирда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Жамоат фонди молиялаштирилган лойиҳаларнинг самарадорлигини ва пул маблағларининг мақсадли ишлатилишини мониторинг қилиш тартиби" тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилди ва Парламент комиссияси томонидан тасдиқланди. Мазкур Низомга биноан, Ўзбекистон Республикаси Адлия ва Молия вазирлигининг ҳудудий бошқармалари, фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти минтақавий бўлинмалари, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг

жойлардаги бўлинмалари вакиллари ҳамда ЎзННТМА Кенгаши аъзоларидан иборат йигма ахборот таҳлил гуруҳлари ташкил этилди. Ушбу гуруҳларнинг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Жамоат фонди маблағларни ҳисобидан молиялаштирилган ижтимоий лойиҳаларнинг самарадорлиги, ажратилган пул маблағларини мақсадли, қонунга мувофиқ сарфланиши, грант лойиҳаларининг ижтимоий аҳамияти ва амалга ошириш давомийлигини баҳолаш механизмларини такомиллаштириш, мониторинг жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли таклиф ва тавсияларни

ишлаб чиқишдан иборат. Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан ННТ ва фуқаролик жамияти институтларининг долзарб бўлган ижтимоий, иқтисодий, гуманитар муаммоларини ҳал этиш, мамлакатни демократик янгилаш, модернизация қилиш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнидаги фаол иштирокини молиявий жиҳатдан таъминлашга йўналтирилган маблағларнинг белгиланган мақсадда фойдаланилиши устидан назорат (мониторинг) амалга оширишнинг устувор вазифалари атрофида муҳокама қилинди.

Ўз мухбиримиз

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ЖАРАЁН

Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришда маҳаллий вакиллик органлари фаолиятини кучайтириш ва эркинлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органларини фаолиятини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш мақсадлари тўғрисида шундай деган эди: "Кучли марказий давлат ҳокимияти ўзининг куч-ғайратларини асосий, умуммиллий вазифаларга, чунончи, мудофаа, давлат хавфсизлиги ва фуқаролар хавфсизлиги, ташки сийёсат, валюта-молия ҳамда солиқ тизимларини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш ва тараққиётнинг бошқа стратегик вазифаларига қаратил-

лик органларини назорат функциясини оширишдир.

Сайлов округидаги электротнинг манфаатлари депутатлар учун устувор аҳамият касб этиши лозим. Чунки депутат ва округ ўртасидаги ўзаро муносабатлар механизми жуда оддий: депутатга сайловчиларнинг овози, ишончи, ҳурмат-этибори керак. Сайловчилар учун эса депутатнинг сайлов округида муаммоларни ҳал этишда фаол иштироки муҳимдир. Сайловчиларнинг эҳтиёжлари, айниқса, ижтимоий-иқтисодий вивожлан-тиришининг давлат дастурлари, турли лойиҳаларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш, депутат учун устувор аҳамиятга эга бўлиши лозим. Бу маҳаллий Кенгашлар депутатларини сайлов округидаги фуқаролар билан доимий алоқада бўлиб туриши, муаммолар ечимини топишда ҳаммас-лак ва ҳамқадам бўлишларини тақозо этади. Шунингдек, депутатнинг сайловчилар олдида транспарентлиги, муттасил ҳамда доимий равишда ҳисобот

Мазкур Қонунда маҳаллий вакиллик органларини назорат ваколатини белгилаб берувчи демократик қонданин қабул қилиниши маҳаллий вакиллик органлари депутатларининг масъулиятини оширади, балки депутатлик назоратини фуқаролик жамиятига хос бўлган жиҳатларини шаклланишига имконият яратди, маҳаллий вакиллик органларининг фаоллашувини оширишга кучли таъсир этади.

да маълум қилиш, халқ депутатлари Кенгашига ҳисобдор ёки унинг назорати остидаги ҳар қандай орган ёхуд мансабдор шахснинг ҳисоботи ёки ахборотини мазкур халқ депутатлари Кенгашининг мажлисларида эшитиш тўғрисида тақлиф киритиш, Ўзбекистон Республикаси қонунларини қабул қилиш, шунингдек, халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг бажарилишини кўриб чиқиши учун масалалар тақлиф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонун ҳужжатларини бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли орган ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат этишга ҳақлидир.

Кўриниб турибдики, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлашда депутатлик назоратини тўлиқ равишда амалга ошириш учун демократик руҳдаги барча ҳуқуқий асослар яратилган. Лекин, депутат нима учун бу ҳуқуқларнинг барчасидан самарали фойдалана олмапти?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси тўғрисидаги низомнинг 7-бандида:

иштирокида қатор семинарлар уюштирилди. Бу семинарларда Сенатнинг кўмаклашувчи комиссияси тавсиялари кенг тарғиб ва ташвиқ қилинди. Айниқса, Сенат кўмаклашувчи комиссиясининг 2009-2011 йилларда Урганч, Термиз, Гулистон, Андижон, Жиззах, Наманган ва бошқа шаҳарларда "Ҳокимият вакиллик органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва ҳозирги шароитда уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича асосий вазифалар" мавзусидаги ҳудудий ўқув тренинглари, шунингдек, Сенат аъзолари ва маҳаллий депутатлар учун яна бошқа турли анжуманларнинг ўтказилиши, уларда тақлиф этилган тавсиялар депутатларимизнинг фаолиятига ижобий ва самарали таъсир этмоқда. Бу анжуманларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг ҳуқуқий ва сиёсий саводхонлиги даражасини ошириш, вакиллик органларининг функциялари, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг назорат ваколатларига доир билимлар базасини шакллантириш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ўз функцияларини амалга оширишларида фаоллигини ошириш, депутатлар ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг комиссиялари фаолиятини режалаштириш кўникмаларини оширишга доир масалалар муҳокама қилинди, депутатларнинг бу соҳадаги кўникма ва малакалари тренинг-



Келажагимиз эгалари бўлган ёш авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъдодли ўғил-қизларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида ўтказилаётган "Янги авлод" болалар ижодий фестивали истеъдодларини кашф қилмоқда.



Маҳаллий вакиллик органлари

УНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

ган давлат ижтимоий қурилиш тизимини барпо этишимиз лозим. Бошқа масалаларни ҳал қилиш аста-секин марказдан жойларга, давлат ҳокимияти органларидан жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига топширилиши керак.

"Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили асосида давлат ҳокимияти бошқарувини демократлаштиришга доир ислохотларни чуқурлаштиришда маҳаллий ҳокимият органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик қилишга доир фаолиятига ҳам муҳим эътибор қаратилмоқда.

Юртбошимиз 2010 йилнинг 27 январиди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида: "Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган иккинчи ғоят муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этиш ҳокимияти, ҳуқуқат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётганини устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатилган иборатдир", деган фикрни билдирдилар. Маълумки, айни пайтда давлат сийёсатининг стратегик ривожланишига доир муҳим йўналишларидан бири — мамлакатимизда давлат ҳокимиятини унга бўлиниш тамойилини амалга ошириш, олий ва маҳаллий вакиллик органларини давлат ва жамият қуришдаги ролини кучайтиришга муҳим эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз: "Парламент депутатларининг ўз сайлов округидаги тизимли фаолиятини сезиларли даражада яхшилаш талаб этилади. Айнан ана шундай сезиларли фаолият қабул қилинган қонунлар қандай ишлаётганини, ҳўжалик юришти амалиёти бугунги кунда қандай қонунларга муҳтож эканини, сайловчилар қандай муаммоларга дуч келаётгани ва уларни ҳал этиш бўйича нималар қилиш зарурлигини аниқлаш учун депутатга имкон берган бўларди. Афсуски, депутатнинг сайлов округидаги фаолияти, асосан, шунчаки учрашувлар ташкил қилишдан иборат бўлиб қолган, таҳлилларнинг кўрсатишича, улар ҳам кўпинча номгилари ўтказилиб, факат шикоят ва саволларга жавоб қайтариш билан чекланилган" деб алоҳида таъкидлаган. Дарҳақиқат, таъкидланган камчиликларни бартараф этишнинг кафолати депутатлик масъулияти ва вакил-

бериб бориши вакиллик органларининг энг муҳим жиҳатидир. Депутатнинг сайловчилар олдида ҳисобот бериши, бу, биринчидан, ўзи аъзо бўлган партиядан, ўзи аъзо бўлган партиядан қанчалик иштирок этаётганилиги, сайловчилар билан улашувда берган ваъдаларини бажаришдаги фаолияти, маҳаллий Кенгашларга сайловчиларнинг манфаатларидан келиб чиққан қандай масалаларни кўтариб чиқаётганилиги, маҳаллий ижро органи фаолиятини назорат қилишдаги иштирокни аниқлатади.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда маҳаллий вакиллик органлари билан Олий Мажлиси Сенати ўртасидаги муносабатлар ривожланиб бормоқда. Сенатни мамлакатнинг олий давлат вакиллик органи ва минтақа манфаатини ифода этувчи палата сифатида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятининг тизимли мониторингини олиб бориши, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссияларининг иши ҳақидаги маълумотларни мунтазам равишда таҳлил этиб туриши, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларнинг сессияларини жонли, маҳаллий муаммолар ечимларини топишга қаратилган тарзда ўтишига эътибор қаратиши — маҳаллий вакиллик органларини фаоллаштиришнинг муҳим омиллари саналади.

Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ депутат тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида кўриб чиқиши учун масалалар тақлиф этиш, мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ҳамда моҳияти юзасидан тақлифлар киритиш, мулоҳазалар билдириш, халқ депутатлари Кенгаши томонидан сайланадиган мансабдор шахсларнинг номзодлари бўйича фикр билдириш, халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида мунозараларда иштирок этиш, маърузачиварислик қилувчи га саволлар бериш, депутат сўрови билан мурожаат этиш, халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида раислик қилувчи га мажлисда муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўз нўтки, тақлифи ёки мулоҳазаси матнини топириш, халқ депутатлари Кенгаши таркибидидаги ўзи аъзо бўлган органнинг қарорига қўшилмаган тақдирда ўз нўтки назарини тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида баён этиш ёки бу ҳақда мазкур халқ депутатлари Кенгаши раҳбарига ёзма равиш-

Кўриниб турибдики, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлашда депутатлик назоратини тўлиқ равишда амалга ошириш учун демократик руҳдаги барча ҳуқуқий асослар яратилган. Лекин, депутат нима учун бу ҳуқуқларнинг барчасидан самарали фойдалана олмапти?

"Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини тақомиллаштириш, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи билан ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш ҳамда Сенат кўмиталарининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари билан ҳамкорлик қилиш механизмининг самарадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиши" белгилаб қўйилган. Ана шундан келиб чиққан ҳолда депутатлик фаолиятини профессионал даражада амалга ошириш ва фаоллаштиришга доир чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқиши лозим бўлади.

Айни пайтда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ана шу низомда белги-ланган вазифалардан келиб чиқиб, шаҳар ва туманларда маҳаллий кенгашлар депутатлари ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини оширишга доир семинар, двара сўхбати ва бошқа турли анжуманларни мунтазам ўтказиб бормоқда. Шунингдек, ЎЗМТДПнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракциясида турли қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш, қонунчилик ташаббусларини ўрганиш жараёни билан яқиндан танишиш маҳаллий кенгашлардаги депутатларимизнинг ҳуқуқий билим ва малакаларини янада оширишга хизмат қилмоқда. "Миллий тикланиш" газетасида депутатларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва фаолиятини оширишга доир долзарб мақола ҳамда материаллар мунтазам бериб боришмоқда. Газетанда айниқса, бошқа партияларнинг позицияси ва қарашларига доир танқидий мақолаларнинг берилиши натижасида депутатларимизда партияга мансублик ва сайловчилар олдида масъуллиқ ҳис-туйғулари ўсиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси томонидан маҳаллий Кенгашлар депутатларининг фаоллашуви ва профессионаллашувини ошириш мақсадларида кейинги йиллар ичида барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида партия фаоллари ва маҳаллий вакиллик органлари депутатлари

лар воситасида оширилди. Кўриниб турибдики, Сенатнинг кўмаклашувчи комиссияси, "Миллий тикланиш" партияси ва вилоят халқ депутатлари кенгаши томонидан депутатларнинг фаоллиги ва масъуллигини ошириш, депутатлик назоратини тақомиллаштириш ва демократлаштириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, айниқса, маҳаллий вакиллик органлари фаолиятини оширишда Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур Концепцияда белгиланган "бошқарув соҳасини марказлаштириш чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш, Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини шакллантириш масалаларига катта аҳамият қаратиш" маҳаллий вакиллик органлари зиммасига катта масъулият юклайди. Маҳаллий Кенгаш ва улардаги депутатларнинг маҳаллий бюджетни шакллантириш, ижро этишини назорат қилиш, маҳаллий ҳокимиятни шакллантириш, маҳаллий ҳокимият раҳбари томонидан кўрсатилган номзодларни тасдиқлаш, маҳаллий ҳокимият ижро органларининг вакиллик органлари олдидаги масъулиятини ошириш, маҳаллий масалалар бўйича ижроия вакиллик органи ва ижроия ҳокимияти қарорларининг бажарилишини назорат қилишга доир ваколатларидан ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти талаблари асосида фойдаланишларини тақозо этади. Албатта, бу мақсад ва вазифалар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, фуқаролар фаровонлигини ошириш, овоз ва эркин Ватанга эга бўлишдек эзгу ниятларни амалга оширишга қаратилгандир.

Мунираҳон ҚОРИЕВА, халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши вакили

СЕМИНАР

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан "Ёшларни оммавий маданиятнинг салбий оқибатлари ва ёт илашлар таъсиридан ҳимоя қилишда оммавий ахборот воситаларининг рол ва вазифалари" мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Ёт иллатларга қарши иммунитет УНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ОАВ МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ

Анжуманда таъкидланганидек, бугун замонавийлик, тезкор тараққиёт билан ҳамқадим бўлиб, бир неча тилларда эркин сўзлашиш, ахборот коммуникация технологиялари, интернет имкониятларидан фойдаланиш ёшларимизнинг ҳаёт тарзига айланиб бормоқда. Глобал ахборот макони, ахборот жамияти шаклланиётган шароитда, шубҳасиз, бу уларнинг билим доираси, дунёқароши кўрсатмоқда. Аммо айрим кучлар глобаллашувнинг чексиз имкониятларидан ўз ғаразли мақсадлари, халқимиз маънавияти ва кадрларига ёт бўлган турли ғояларни илгари суриш, ахборот хуружлари ва мафкуравий таъйиқларни амалга ошириш йўлида фойдаланишга уринмоқдалар.

Тадбирда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, "оммавий маданият" ниқоби остида четдан кириб келаётган турли салбий таъсирлар, хавф ва таъйиқлардан ҳимоя қилишда оммавий ахборот воситалари, оила, маҳалла ва фуқаролик институтлари ролини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Дилфуза РЎЗИЕВА, "Milliy tiklanish" муҳбири

Журналистика соҳасида "ВАТАН АЗИЗ, ЖАСОРАТ МАНГУ" республика танлови

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Миллий телерадиокомпания, Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА, Матбуот ва ахборот агентлиги, Электрон ОАВ миллий ассоциацияси, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан ҳамкорликда журналистлар ўртасида мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётидаги шонли сана — Ватан ҳимоячилари кўни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг йигирма йиллигига бағишланган "Ватан азиз, жасорат мангу" республика танловини эълон қилади.

Танлов "Ватан ҳимояси — муқаддас бурч" деган туйғуни юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод онгига синдиришга қаратилган бўлиши керак. Танловга тақдим этилган ижодий ишларда Қуролли Кучларимиз салоҳиятини мустаҳкамлаш, армиямизни модернизация ва ислоҳ қилиш, унинг жанговар тайёргарлигини кучайтириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларига моддий ҳамда ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, сарҳадларимиз дахлсизлигини, осмонимиз ҳаётидаги инсоний эъл-юрт осойишталигини таъминлаш йўлида фидойилик кўрсатаётган ҳарбийларнинг мардона меҳнати чуқур таҳлил этилган ва ҳар томонлама ёритилган бўлиши лозим.

"Ватан азиз, жасорат мангу" танлови оммавий ахборот воситаларининг қуйидаги йўналишлари бўйича ўтказилади:

- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари (1-, 2-, 3-ўрин);
- тележурналистларнинг кўрсатувлари (1-, 2-, 3-ўрин);
- радиожурналистларнинг ашиштиришлари (1-, 2-, 3-ўрин);
- интернет нашрларидаги материаллар (1-, 2-, 3-ўрин).

Танлов голиблари қуйидаги мукофотлар билан тақдирланадилар:

- 1-ўрин голиблари — ноутбук;
- 2-ўрин голиблари — компьютер тўпلامли;
- 3-ўрин голиблари — замонавий ракамли телевизор.

Танловни ўтказишда иштирок этаётган ҳамкор ташкилотлардан Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳам ўзининг рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловда ижодий уюшмалар ва агентликлар, ОАВ жамоалари ва ходимлари, соҳалар бўйича нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек, мустақил ижодкорлар иштирок этишлари мумкин.

Танловга 2011 йил давомида газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар (камида 5 та) 2011 йилнинг 20 декабрига қабул қилинади.

Танлов голиблари ва совриндорларига мукофотлар **Ватан ҳимоячилари кўни** байрами арафасида тантанали равишда топширилади ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Танловга тақдим этилаётган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Ижодий ишлар "Ватан азиз, жасорат мангу" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30 уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87
www.journalist.uz


ТИББИЁТ



лигини ҳимоялашга йўналтирилган самарали лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Соғлом авлодни соғлом оналар дунёга келтиради. Шу боис юртимизда бўлажак оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни тиббий кўриқдан ўтказишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бугун мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофазалашда жaxon андозалари талабларига жавоб берадиган тиббий-профилактика ёрдами шакллантирилди.

Республика скрининг маркази ва унинг вилоятлардаги филиалларида перинатал текширув — ҳомиланинг ривожланишини кузатиш, чақалоқлардаги туғма хасталикларни аниқлаш, ирсий ва туғма хасталик билан туғилган беморларга ва ногирон фарзанди бор оилаларга тиббий-генетик маслаҳат ва даволаш хизмати кўрсатилмоқда. Бу она ва бола саломатли-



Аниқ мақсад, изчил ислоҳотларнинг юксак самаралари

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида эришган улкан натижаларнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

ҚИШЛОҚДАГИ ЗАМОНАВИЙ ШИФО МАСКАНИ

...Клубми, маиший хизмат уйими, ишқилиб, шунга ўхшашан бирор бинонинг бир четиде ажратилган ғарибгина хона. Қийшайиб қолган стол-стул, битта кушетка. Кўпчиликнинг ёдида, бу — ўтган асрнинг 80-йилларида қишлоқдаги фельдшер-акушерлик пунктнинг умумий кўриниши. Эшигининг тепасидаги ёзув ёки стол устида «+» белгиси туширилган темир кутини ҳисобга олмаганда, бу жой тиббий хизмат кўрсатиш муассасаси эканига ишонки кийин эди...

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1998 йилда қабул қилинган Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури асосида барча бўғин тиббиёт муассасалари фаолияти тубдан қайта кўриб чиқилди. Қишлоқ жойларда яхши самара бераётган фельдшер-акушерлик пунктлари ўрнига замонавий қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилди.

Бугун юртимизда уч минг икки юздан ортиқ қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. "Саломатлик-1" ва "Саломатлик-2" лойиҳалари асосида янгидан қурилган ва тубдан реконструкция қилинган, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган мазкур тиббиёт муассасаларида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар яратилган.

Замонавий ультратовуш, ЭКГ ва бошқа ускуналар, лаборатория жиҳозлари билан таъминланган ҚВПларда ҳар йили аҳоли, айниқса, ҳомилалар, туғиш ёшидаги аёллар мунтазам текширувдан ўтказилмоқда. Ҳар йили аҳолининг тиббий кўриқдан ўтказиш, турли хасталикларнинг олдини олиш, уларни эрта аниқлаб ўз вақтида даволаш чоралари изчил амалга ошириляётир.

— Муассасамиз 8 ярим мингдан зиёд аҳолига тиббий хизмат кўрсатади, — дейди Хива туманидаги «Беруний» қишлоқ врачлик пункти мудираси Ҳалима Авазова. — Сўнгги рўсумдаги тиббий жиҳозлар беморларга аниқ ташхис қўйиш ва уларни самарали даволаш имконини бераётир. Беш нафар врач ва 18 патронаж ҳамшира хизматидан қишлоқ аҳолиси мамнун. Врачлик пунктимизда туғиш ёшидаги аёллар ва болалар саломатлигини доимий назорат қилиб бориш йўлга қўйилган. Ўтган йили бу ерда 2 ярим мингга яқин аёл чуқур

тиббий текширувдан ўтказилиб, экстрагенитал касалликлар аниқланган беморлар тўлиқ соғломлаштирилди. Бундан ташқари, 14 ёшгача бўлган 2 минг 506 нафар ўғил-қиз шифокор кўригидан ўтказилди. Яқинда пунктимиз замонавий стоматология жиҳозлари билан таъминланди.

Қишлоқ врачлик пунктларида аҳолига кўрсатилаётган самарали тиббий хизмат, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш борасида кўриляётган чора-тадбирлар туфайли аҳолининг юқумли хасталиклар билан касалланиши сезиларли даражада камайди. Полиомиелит, ичтерлама, дифтерия каби хасталикларга бутунлай барҳам берилди. 2010 йилда 2005 йилга нисбатан ўқувчилар ўртасида ўткир респираторли вирусли инфекция билан касалланиш 12,8 фоиз камайди. Буларнинг барчаси аҳоли ўртасидаги соғлом турмуш тарзи даражаси тобора юксалиб бораётгани ифодаси, соғлом авлодни дунёга келтириш йўлидаги зғу саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Қорақалпоғистон Республикаси Эликиқалъа тумани марказидан 45 километр узоқда жойлашган "Амиробод" овул фуқаролар йиғини ҳудуди аҳолиси илгари кичик бир тиббий муолажа учун ҳам туман маркази ёки Нукусга боришига тўғри келарди. 2009 йилда овул ҳудудида барча қулайликларга эга "Ибн Сино" қишлоқ врачлик пункти ташкил этилди. Айни пайтда мазкур замонавий ҚВП 8 минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда.

— Пунктимизда 3 нафар олий маълумотли врач, 17 нафар ўрта маълумотли тиббиёт ходими меҳнат қилади, — дейди ҚВП раҳбари Дилором Айтбоева. — 50 беморни қабул қилиш қувватига эга бу шифо маскани узлуксиз электр энергияси, ичимлик суви билан таъминланган, шаҳар телефон тармоғига уланган. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш, туғиш ёшидаги аёлларни доимий тиббий кўриқка жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада сўнгги йилларда ҳудудимизда ногирон болалар туғилиши деярли учрамаяпти. Оналар ва гўдақлар ўлими умуман қайд этилмади. "Энг намунали қишлоқ врачлик пункти" танловида қўлга киритган соvrинимиз — "Дамас" машинаси аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида хизмат қилаётир.

Бир пайтлар қишлоқ амбулаториясининг аҳолига яраша, у ерда ишлайдиган шифокорларнинг ҳам билими ҳаминкадар бўлар эди. Тўғрироғи, билимли, малакали шифокор у ерда ишлашни хоҳламасди. Бугун эса аҳвол бутунлай ўзга-

ча. Қишлоқ врачлик пунктига врачлар саралаб қабул қилинмоқда. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қўшимча имтиёзлар беришга алоҳида эътибор қаратиляётир. ҚВПларда ишлаётган минглаб шифокор ва патронаж-ҳамширалар ҳар йили малака ошириш курсларида тиббиётнинг энг сўнгги ютуқлари асосида билимини бойитмоқда.

— Ҳақиқат битириб, ўзим туғилиб ўсган Шодфиркон туманидаги қишлоқ врачлик пунктида ишламоқчиман, — дейди Тошкент тиббиёт академияси 5-етабликлар билан касалланиши курс талабаси Искандар Исмоилов. — Ҳозир туманимиздаги барча ҚВП замонавий қиёфа касб этган, энг сўнгги рўсумдаги тиббий жиҳозлар билан таъминланган. Бундай юксак шароитда ишлаш ҳар бир бўлғуси шифокор учун орзу.

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА, СОҒЛОМ БОЛА — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Соғлом ва баркамол авлод эзгу ишларга қодир бўлади. Ана шу тамойил асосида мамлакатимизда жисмонан соғлом авлодни вояга етказишнинг самарали тизими яратилди. Бу жараёнда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этиляётган, миллият генофондини мустаҳкамлашга қаратилган «Соғлом она — соғлом бола» концепцияси ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Мазкур дастур асосида ўтган йиллар мобайнида кенг қўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилди. Замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги туғруқхоналар барпо этилди. Оналар ва болалар саломат-

лини асраш, соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлашда муҳим омил бўляётир. Ўтган йилнинг ўзида юз минг нафардан зиёд бўлажак она скрининг марказларида тиббий кўриқдан ўтказилди.

Тиббий-филмий марказлар ва етакчи тиббиёт масканларида фаолият юритаётган олимлар ва малакали мутахасссларнинг жойларга чиқиб, соғломлаштириш ҳафталикларида фаол иштирок этиши аҳоли тиббий маданиятини юксалтиришга хизмат қилаётир. Бундай тадбирлар давомида қишлоқ врачлик пунктларида ўн минглаб аҳоли, фертил ёшдаги аёллар ва ўсимир кизлар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилмоқда.

Тўғруқ муассасаларининг, айниқса, чекка туманлардаги ана шундай масканларнинг бундай йиғирма йил олдинги аянчли аҳоли, эскирган жиҳозлар, совуқ ва санитария талабларига жавоб берайдиган хоналар ҳали кўпчиликнинг ёдидан чиққани йўқ. Аёллар шундай аҳолида шифохонага боришдан уйда туғишни афзал кўриб, бунинг оқибати аянчли яқун топган ҳолатлар ҳам кўп учрар эди. Янги туғилган чақалоқларни парваришда ҳам номақбул ёндашувлар мавжуд эди. Бола туғилган заҳоти онасидан ажратилар, ўғиз сути эммаган болаларда ҳар жиҳатдан нуқсонлар пайдо бўларди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш жараёнида бундай ҳолатлар бутунлай барҳам топди. Мамлакатимиздаги мавжуд туғруқ мажмуаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган кенг қамровли саъй-ҳаракатлар натижасида 228 туғруқ муассасаси тубдан таъмирланди ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Истиклолнинг илк йилларида фарзанд тарбиялашда асрлар

давомида ўтиб келаётган миллий қадрият — болани аввало она сути билан боқиш анъанаси қайта тикланди. Чақалоқ туғилган заҳоти она бағрига берилиб, уни кўкрак сути билан озиқлантириш кенг йўлга қўйилди.

Юртимизда перинатал марказлар тармоғи ҳам жадал ривожланыётир. Ўтган ўн йил давомида 11 ана шундай тиббиёт муассасаси ташкил этилди. 2010 йил уларда 2000 йилга нисбатан ўн баробар кўп она ва бола тиббий кўриқдан ўтказилди.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофазалаш, ҳомилалар аёлларни тарқибиде саломатлик учун зарур микронутриентлар мавжуд махсус

полвивитаминлар билан таъминлаш борасида амалга ошириляётган дастурлар ҳам она ва бола саломатлигини асрашда муҳим омил бўлмоқда. Давлатимиз томонидан полививитаминларни харид қилиш учун 8 миллиард сўм ажратилди ва бу хар йили қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган 400 минг нафар ҳомилалар аёлни соғломлаштириш, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш ва болалар туғдан нуқсонлар билан туғилишининг олдини олиш имконини бермоқда. Сўнгги ўн йил ичида юртимизда йод танқислиги, темир моддаси ва фоллий кислота билан боғлиқ касалликларнинг 2 баробар камайгани ҳам Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган йодланган туз ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни бойитиш каби мақсадли дастурларнинг амалий натижасидир.

ЎЗБЕКИСТОН — БОЛАЛАРГА ЭНГ ҒАМХЎР МАМЛАКАТ

Маълумотларга кўра, агар 2005 йилда юртимизда мутлақо

соғлом болалар кўрсаткичи 52,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу рақам 62,6 фоизга етди. Дунёнинг ривожланган давлатларида бу кўрсаткич 70-72 фоизни ташкил этишини инобатга олсак, Ўзбекистонда бу масала бўйича қандайдиган ўсиш суръатларига эришиляётгани аққол аён бўлади.

Баркамол авлод халқимизнинг энг эзгу орзуси. Президентимиз Ислам Каримов томонидан истиқлолнинг дастлабки йилларида илгари сурилган бу олжаноб гоғнинг ҳаётини ифодаси Ўзбекистон ёшларининг салоҳияти, улар қўлга киритаётган муваффақиятлари мисолида аққол намойён бўлмоқда. Бугун вояга етаётган нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳи, фикри тетик, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар, соғлом ўғил-қизлар том маънода баркамол авлод ва кўрилари дидорига эришган

Бунда шубҳасиз юртимизда оналик ва болаликни муҳофазалашга йўналтирилган амалий саъй-ҳаракатлар муҳим ўрин тутди. Мамлакатимизда туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштириш, ҳомилаларга тиббий ёрдам кўрсатиш борасидаги тизимли ишлар самарасида тиббий муассасалар ва бирламчи соғлиқни сақлаш бўғинининг моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланмоқда. Биргина 2010 йилда ушбу мақсадлар учун давлат бюджетида 2 триллион сўмдан зиёд маблағ сарфланганининг ўзиёқ бу ишлар қўламини нақадар кенглигини далолат бериб турибди. Бугун Ўзбекистонда хотин-қизлар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беради.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофазалаш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 1 июлда қабул қилинган "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самардорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорлари асосида бу борадаги ишлар янги босқичга қўтарилди. Она ва бола саломатлигини муҳофазалаш тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида ташкил этилган перинатал ва скрининг марказлари фаолиятини тақомиллаштириш, замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланиш, ихтисослаштирилган тиббиёт автотранспорт паркинни етарлича ташкил этишга қаратилган улкан ишлар амалга ошириляётир.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ушбу дастур ижросини таъминлаш доирасида тиббиёт ходимларини ўқитиш, оилада тиббий маданиятни шакллантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оши-

риляётир. Давлатимиз раҳбарининг эътибори ва ғамхўрлиги билан Ўзбекистонда болалар ва ўсимирларни жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишга оммавий жалб этиляётгани баркамол авлодни тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда.

— Ўзбекистонда тиббий хизматни ривожлантиришга давлат томонидан алоҳида эътибор қаратиляётгани юксак самаралар бераётир, — дейди Вержиния (АҚШ) университетининг юрак анестезиологияси бўлими бошлиғи, профессор Виктор Баум. — Мен Осий тараққиёт банкининг маслаҳатчиси сифатида юртимизда тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш ва замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, болаларда замонавий тиббий оператив муолажаларни қўллашга йўналтирилган тадбирларда қатнашганман. Бу жараёнда шифокорларнингизнинг замонавий технологиялардан фойдаланиш маҳорати, илмий салоҳиятига, тиббиёт муассасаларининг барча бўғинида аҳолига юксак технологиялар асосида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилганига ишонч ҳосил қилдим. Инсон саломатлигини асраш борасида Ўзбекистонда амалга ошириляётган бундай муҳим тадбирлардан бошқа давлатлар ҳам ўрн олса арзийди.

Қатор касалликлар, биринчи навбатда, болаларга юқадиган хасталиклар мамлакатимизда кўп йиллардан буюн қайд этилмаяпти. Бунда туғилаётган болаларнинг деярли барчаси юқумли касалликларга қарши мунтазам эмланаётгани ўз самараларини бермоқда.

Ана шу саъй-ҳаракатлар туфайли Ўзбекистон яқинда "Save the children" («Болаларни асрайлик») халқаро ташкилоти томонидан тузилган жаҳон рейтингига болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатиляётган энг илғор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилди. Мамлакатимиз аҳолига хизмат кўрсатаётган тиббиёт ходимлари сони, тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятлари, шунингдек, болаларнинг мунтазам эмлашга қамраб олиниши, аёлларга туғиш пайтида сифатли тез тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятлари каби қатор муҳим кўрсаткичлар бўйича рейтингда Германия, Франция, Буюк Британия, АҚШ сингари дунёнинг қўллаб энг ривожланган давлатларини ҳам ортда қолдирди.

Ҳа, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга ошириляётган кенг қўламли, аниқ мақсадга йўналтирилган изчил ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераётгани халқаро миқёсда ҳам эътироф этилган, чуқур ўрганиляётган ҳақиқатдир. Бу Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак, деган ҳаётини тамойилнинг амалдаги яна бир ёрқин ифодасидир.

Ҳусниддин БЕРДИЕВ, ЎЗД шифокорини



Ягона оилادا

ЮРТИМИЗДА 130 ДАН ОРТИК МИЛЛАТ ВА ЭЛАТ ВАКИЛЛАРИ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИК ВА ЎЗАРО ҲАМЖИҲАТЛИК АСОСИДА АҲИЛ-ИНОҚ ЯШАБ КЕЛМОҚДА

Конституциямизнинг 18-моддасида "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир ҳақ ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қонуний олдидан тенгдирлар", дея уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатлаб қўйилган.

Лекин фарзанд тарбиясида отанинг талабчан ва қаттиққўл бўлгани яхши экан. Шунданми, ушбу хонадон фарзандлари ота чизган чизикдан чиқишмайди. Оталари олдида уларнинг қўли ҳаммиса кўксиде туради.

Ёрмухаммад ота нафақат фарзандлари, набиралари, балки келинларига ҳам оталик меҳрини бера олган. Хусусан, менинг фалсафа фанлари номзоди бўлишимда уларнинг ўрни бўлакча. Мен турмушга чиққан вақтим аспирантуранинг биринчи босқич талабаси эдим. Уй юмушлари, турмуш икки-чакирлари билан ўраллашиб, диссертациямни тайёрлаш ва уни химоя қилишни ортга сураверардим. Учинчи фарзандим бир ёшга тўлганда қайнотам: "Бўлди, энди диссертациянгни тугатинг, жуда чўзилиб кетди. Биз ойингиз билан сизга қўлдан келганча ёрдам берамиз", деб қолдилар. Қайнотамнинг мана шу гаплари менга далда берди ва мен уч йилдан сўнг диссертациямни химоя қилдим. Дарҳақиқат, серкўёш ўлкамиз кўп миллатли. Уларнинг ҳар бири ўз тарихи, маданияти ва тилига эга. Шу боис, улар ҳақда қанча ёзмайлик, шунча кам.

Ҳа-я, отамизнинг яна бир хислатлари ҳақида айтмабман-ку. Улар жуда яхши маслаҳатчи. Ҳеч кимдан ва ҳеч вақт маслаҳатларини аямайдилар. Ширин сўз ва холис ният билан маҳалла-қўйнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қиладилар. Шунданми, маҳаллада отамизнинг обрўлари баланд.

Улар икки халқ урф-одатлари ва анъаналарини ўзаро уйғун ҳолда ривожлантириш орқали ёшларни миллатлараро дўстлик руҳида тарбиялашга ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар. Қолаверса, отамиз кўп йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданият марказида раис муовини, Тошкент шаҳар уйғур маданияти марказининг раиси сифатида самарали меҳнат қилдилар.

Халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва тотувлик, орзу-умидларимизнинг рўёби, энг аввало, мустақиллигимиз туфайлидир. Ана шу буюк неъматдан баҳра олиб, ўзининг 75 ёшини қарши олаётган отажонимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ватандошларимиз ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқаларни тарғиб қилишдан сира чарчаманг, деб қоламиз.

Ф. АТАМУРАТОВА,
фалсафа фанлари номзоди

ТАЪЛИМ



Янгиликка интилиб яшаш

МУВАФФАҚИЯТЛАР КАЛИТИДИР

Ёш авлода билим сирларини ўргатаётган устоз дунёқарши, илми қанчалик кучли бўлса, бу фазилат унинг ўқувчиларида ҳам ўз аксини топади. Моҳир ўқитувчи ҳар бир дарсида бирор янгилик топиб, уни бойтади. Самарқанд шаҳридаги 16-умумтаълим мактаби тарих фани ўқитувчиси Меҳри Эрбоева 30 йиллиқини, таълим соҳасида ишлаб, ўз касбий маҳорати ва қобилиятини намойиш қилиб келмоқда.

— Ўқувчига дўстона муносабат, ўқитувчи ўқувчи билан

дўстлашуви, кўнглига йўл топа олиши, дарсида ўқувчи ўзини

эркин тутиши энг муҳим масала, - дейди устоз муаллима биз билан суҳбат чоғида. — Чунки, яхши кайфият билан бошланган дарс унумли бўлади. Бундан ташқари, ўқувчига дўстона муносабат таълим самарадорлигида ҳам муҳим саналади. Тажрибали муаллима бу жиҳатларини яхши билади ва ўз фаолиятида жорий этиб, ютуқларга эришиб келмоқда. Меҳри Эрбоева тарих фанини ўрганишда шу

яшаб турган заминга меҳр қўйишдан бошлаб кераклигига алоҳида эътибор қаратиб келади. Ҳаммиса миллий кадрларимизни тарғиб этиб, ўқувчиларни тарихимизни чуқур билиш, миллий анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялашга даъват этади. Янгиликка интилиб яшаш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширишга ҳисса қўшадиган шогирдлар тайёрлаш Меҳри опанинг эзгу мақсади.



Шу боис, устоз муаллимани нафақат мактабда, балки шаҳар ва вилоятда ҳам ҳурмат қилишади. Мактабда касабга уюшмаси раиси, "Устоз-шоғирд" анъанасига раҳбарлик қилади. У кишининг тарих фанига доир мақолалари китоб шаклида нашр қилиниб, таълим тизимида фойдаланилмоқда. Агар инсон ўзгаларга ёмонликни раво кўрмай яшаса, ҳасад-ўйлик гирдобидан сақланса, турмуш чорраҳаларида тушкунликка тушмаса, ҳаётини билим олиш, хунар ўрганишга сарфласа, бу унинг бахту саодатидир. Устоз муаллиманинг ана шу фазилатлари, ёш ўқитувчиларга ибрат бўлса арзийди. Меҳри Эрбоеванинг фидойи меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб келинмоқда. "Ўқитувчи ва мураббийлар кўни" байрами арафасида "Халқ таълими альоҳиси" бўлди.

— Бунимен мактабимизнинг аҳил жамоаси, шаҳар ва вилоятимиз педагогларига берилган эътибор деб биламан, - дейди Меҳри Эрбоева. — Бунинг учун Ватаним, халқим ва Юртбошимдан чексиз миннатдорман. Бу юксак ишонч менга янада катта масъулият юклайди.

Ориф ХОЛИКУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ҲУҚУҚ ВА БУРЧ

"Фароғат қасри" миз гўзал бўлсин

ТАРҒИБОТ-ТАШВИКОТ ИШЛАРИ АНА ШУНДАЙ МАҚСАДГА ҚАРАТИЛМОҚДА

Соғлом фикрли одам ҳаёт ривожини қим билан боғлаётганини биламай туриб, оила қуришни тасаввурига сиғира олмайди. Айниқса, бузғунги экологик муҳит мураккаблашган шароитда ёшларни бир-бирининг соғлиғидан хабардор бўлиши жуда ҳам муҳим. Чунки тиббий текширув чоғида қиз ёки йигитда бирор касаллик аниқланса, тўйгача даволашиб, соғлиғини тиклаб олиш учун фурсат бўлади.

Тиббий кўриқдан ўтиш кўплаб нохуш ҳолатларнинг олдини олади, янги оилаларнинг соғлом турмуш тарзига асосланиши, барқарор бўлишини таъминлайди. Бунинг учун оила қуриш остана-сида турган ҳамда ёш оилаларга оиланинг мукддаслиги, ҳақ-ҳуқуқлари хусусида тушулчалар бериб бориш лозим. Пискент ва Янгийўл туманидаги давлат нотариал идораси ҳамда ФХДБ бўлими жамолари бу борада қатор чораталбирларни амалга оширяпти: тарғибот-ташвиқот ишлари энг мақбул йўллар — оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштириш ва бевосита жойларда учрашув, давра суҳбати ҳамда семинарлар ташкил этиш орқали олиб бориляпти.

Жумладан, "Тошкент" телерадиоанали билан ҳамкорликда янги йилдан бошлаб янги лойиҳа — "Оилада фароғат мезони" кўрсатуви эфирга узатилиши кўзда тутилган. Кўрсатув вилоят ва туман ички ишлар, адлия, соғлиқни сақлаш идоралари вакиллари ҳамда имом-хатиблар билан ҳамкорликда ташкил этилиб, оқиқ мулоқот тарзида ўтказилади. Бундан ташқари нотариат идоралари фаолиятига доир қонунга киритилган ўзгаришлар ва унинг ижроси борасида олиб борилаётган ишлар турисидаги кўрсатувда фаол иштирок этаёмиз. Шунингдек, оғзаки тарзда олиб борилаётган турли даражадаги тарғибот ва тадбирларимиз ҳам оммавий ахборот воситалари томонидан ёритиб бориляпти. Оммавий ахборот воситаларининг афзаллиги шундаки, тадбирларда 50-60, нари борса 100 ёки 150 киши иштирок этса, оммавий ахборот воситалари эса бир пайтнинг ўзиде минглаб хонадонларга кириб боради. Бундан ташқари жонли мулоқотлар қизгин тарзда ўтиб, кўп сонли аудиторияга қаратилган, таъсирчанлиги даражаси ҳам юқори бўлади. Ана шундай жонли ва қизиқарли тадбирларни келгусида маҳалла ва ўқув муассасаларида ҳам ўтказишни режалаштирганмиз. Шу кунларда тарғибот-ташвиқот ишлари жамоаларимизнинг доимий вазифасига айланган, десак хато бўлмайди.

Насиба РАСУЛОВА,
Пискент туман ФХДБ бўлими мудариси,
Мухаббат КОМИЛОВА,
Янгийўл тумани давлат нотариал идораси нотариуси

ФАНИМИЗ ФИДОЙЛАРИ

"Ўзум сари боқма, сўзум сари боқ..."



этаётган факт, аслида ҳеч қачон янги бўла олмайди, у шу тилининг ташувчилардан, ҳеч бўлмаганда, бир қисмига таниш бўлади: бошқача бўлиши мумкин эмас. Демак, тилшунослик фанининг ҳақиқий билимдони ва заҳматкаш тил фактларини қайд этиш орқали ҳеч қачон тилнинг бошқа ташувчиларидан юқори чиқа олмайди, чунки бу соҳада бошқаларга маълум бўлмаган нарсани "кашф қилиш" имкони йўқ. Профессор Неъматов ўз илмий фаолиятининг бошиданок эмперик тилшуносликда ҳукмрон бўлган "кашфиётчилик" кайфиятидан бутунлай воз кечди ва ўзининг тамомила янги илмий концепцияси асосига янги фактларни йиғиш эмас, мавжуд фактларни янгича талқин қилиш тамойилини қўйди. Ва шу асосда олимнинг ҳам ўзбек тилшунослиги, ҳам туркийшунослик соҳасида амалга оширган илмий тадқиқотлари жаҳон тилшунослик илмининг муҳим муваффақиятларидан ҳисобланади.

ган субстанциал таҳлил ва талқиннинг қанот ёзишига, узлуксиз таълимнинг барча бўғинларига кириб, ўрта таълим бўғинида ўқувчига она тили имкониятлари асосида мустақил ва ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириши, олий таълим тизимида эса бўлажак ўқитувчиларни ўзбек тилининг ички имкониятлари хазинаси билан таништириб, ёш авлод онгу-шуурида ватанпарварлик туйғуларини сингдиришга хизмат қиладиган қатор дастур, дарслик ва ўқув қўлланмалари муаллифлари сифатида ҳам она тилимиз тараққиётида янги саҳифа очди.

— Профессор Ҳамид Фулом биринчилардан бўлиб, туркий тиллар системаси синтаксиси, ўзбек тили зотий лексикологияси асосларини ишлаб чиқиди, бу чинакам кашфиёт эди ҳамда фани янгилаш йўли топилиб, ўзбек тилининг ўзининг қадимий ўзанига тушиб олди, дейди филология фанлари доктори, профессор Равшанбек Расулов. — Устоз тўла маънода тилга зотий ёндашув илмий мактабини яратди. Изланувчан, келажаги порлоқ, дадил фикрли ёш олимларни тарбиялаётган бу мактаб ўзбек тилининг Ҳазрат Навоийдан мерос турқона табиатини ёритишида шундай улкан хизматлар қилмоқдаки, унинг ютуқлари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Олим эллиқдан ортик номзодлик ва докторлик диссертацияларига раҳбарлик ва маслаҳатчилик қилгани, 22 йил мамлакатдаги нуфузли даргоҳлардан бири — Бухоро Давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасини бошқарди, шогирдларини илмий, илмий-методик изланишларини ҳам айнан адабий тил меъёр ва ҳодисаларини тавсифлаш, ўрта мактаб ва олий филология таълим тизими учун янги авлод дарслик ва қўлланмаларини яратишга йўналтир-

ди. Устози Мустақим Мирзаев бошлаб берган йирик тадқиқотларга янгича руҳ бағишлаб жаҳон миқёсига олиб чиқди.

Профессор Неъматов она тилимиз қаторида араб, форс, немис ва рус тилларини мукамал билиши, бу тилларда бемалол тадқиқот яратиш, маъруза ўқиши билан ҳам халқаро илмий доираларда катта мавқега эга. Шогирди Шоира Ориф-жоновна тилшунослик фанига жаҳонда биринчи бўлиб лексик градуономия илмий тушунчасини олиб кирди, градуономик муносабатининг синонимия, гипонимия ва антонимия билан ўхшаш ва фарқли томонини кўрсатиб, лексик градуономия, синонимия ва гипонимия каби тилда сўзлараро маънавий муносабат турининг янги кўриниши эканлигини асослаб берди, унинг номзодлик диссертацияси кўпчилик йирик мутахассисларнинг эътиборига тушди. Ёш оlima Нофизахон Воҳидова эса ўзбек систем тилшунослигида ишлаб чиқилган янги илмий тушунча — градуономия ва лексик градуономик муносабат асосида немис тилида лексик семантик муносабат масаласини қайта кўриб чиқишга университетда бир йил давомида ўтказган тажриба-синов ишлари фанга катта ҳисса қўшди. Устознинг илм-фанимиз тараққиётида қолдираётган катта изи, тилшунослигимиз равнақиға қўшган улкан ҳиссаси — зотий тилшунослик илмий мактабини яратганлигидир. Профессор Неъматовнинг илмий, ижодий фаолияти янгича қўлама касб этди. Қанийди, ҳамма илмий раҳбарлар ҳам шогирдларига Ҳамид акадек

гамхўр, бағрикенг бўлса, беминнат кўмаги ва маслаҳатини дариг тутмаса. Устоз ёш илмсеварларнинг ўз вақтида диссертацияларини ёқлашлари учун меҳнат ва билимини аямайди, мавзунинг номлини, тасдиқланганидан бошлаб адабиётлар рўйхатига фойдали маслаҳатларини бериб, тадқиқотни қайта-қайта таҳлил қилишдан ҳечам эринмайди.

Устоз ҳамон ҳар қандай аудиторияни оҳанрабодек ўзига жалб қилади. Айниқса, талабалар бутунлай унга махлиб бўлиб, тилшуносликдек мураккаб соҳани танлайдиганлар сони йилдан-йилга кўпаяпти. Ўтган йили устоз истиқлолнинг 19 йиллиги арафасида "Элу-юрт турма-ти" ордени билан мукофотланди.

— Илм ва ҳаёт йўлида мени суяб турган устунларим раҳматли ота-онам ва устозларимнинг дуолари. Ҳамкасбаримнинг хайрихоҳлигидир. Менинг устозларим Мир Алишер Ҳазратлари айтганларидек, "Ҳазонин ул маоний", яъни тафаккур ва саховатнинг хазинаси эдилар. Ортимиздан оловқалб, ватанпарвар ёшлар келяпти. Энг муҳими, уларнинг келажагини, истиқлол тилшунослигига садоқатидан менинг кўнглим тўқ. Йиллар ўтиб, улар бизнинг ортимизда қолган "Сўз"ларимиз — дарсликлар, ўқув қўлланмалари, рисола ва дастурлар сари боққанлариде ҳам қандай юксакликнинг замирида жуда катта меҳнат, машаққат ва интилиш яширинганига амин бўладилар. Мен эса истиқлол берган бахт ва имкониятлар учун фақат шукур дейман.

Раъно САЙФУЛЛАЕВА,
филология фанлари доктори, профессор,
Зухра ЮНУСОВА,
филология фанлари номзоди, доцент,
Хулқар ХАМРОЕВА
журналист

ХАЛҚАРО ҲАЁТ



● **БИЗНИНГ ШАРҲ**

Олмоқнинг бермоғи бор



Жаҳон оммавий ахборот воситалари Европа Иттифоқи мамлакатларида юзага келган чуқур молиявий-иқтисодий инқироз ҳақида туркум мақолалар чоп этмоқда. Кунни кеча Италияда ҳам сиёсий ўзгаришлар рўй берди. Апеннин ярим оролидаги ушбу давлат ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 121 фоизига етиб, у 1,9 триллион еврога ташкил этди. Бу Евроҳудудга кирувчи мамлакатлардаги энг юқори кўрсаткичдир.

Парламент бош вазири Силвио Берлусконни бошчилигидаги ҳукуматга ишонсизлик билдирди. Янги ҳукумат раҳбари Марио Монти олдида энди мамлакатни молиявий тангликдан чиқариш вазифаси турибди. Бунинг учун биринчи навбатда инқирозга қарши дастурда кўзда тутилгандек, давлат назоратидаги қиймати 15 миллиард евродан юқори бўлган мулкларни хусусийлаштириш, солиқ миқдорини ошириш, пенсияга чиқиш муддатини 67 ёшга у зайтириш масаласи турибди.

Греция ҳам ана шундай инқирозни бошидан кечирмоқда. Пайшанбадан бошлаб янги Вазирлар Кенгаши иш фаолиятини бошлади. Греция четдан навбатдаги кредит қарзини олиш масаласига бағишланган референдум ўтказишдан воз кечгандан сўнг, Болкондаги ушбу мамлакатнинг евроҳудуддан чиқиш масаласига чек қўйилди, десак муболаға бўлмас. Дефолт ёқасида турган ушбу давлат 2009 молия йилини ялпи ички маҳсулотнинг 12,7 фоиз бюджет камомати билан яқунлаб, оқибатда ташқи қарзи 300 миллиард евродан ошиб кетди.

Ҳозир Хитой Халқ Республикаси Европа Иттифоқини молиявий инқироздан чиқиб олиши учун ўз ёрдамини таклиф қилмоқда. Лекин, бу масала осонликча ҳал этилаётган кўринмайди. Расмий Пекин кўҳна қитъа вакилларига учта шартни қўймоқда. Биринчидан, Хитойнинг Халқаро валюта жамғармасидаги таъсирини ошириш, Жаҳон савдо ташкилотидagi иқтисодий макромини кўтариш ва ниҳоят, учинчидан, 1989 йили Европа харбий техникаларини Хитойга сотиш борасидаги қўлланган эмбаргога бекор қилиш масаласидир.

Яқин вақтга инвесторлар Хитойнинг Евроҳудуд мамлакатларига ёрдам қўлини чўзишдан умидвор эди, яъни муаммоларга кўмилиб қолган давлат облигацияларини сотиб олишга киришганди. Хитой марказий банки валюта пул сиёсати кўмитасининг вакили Ли Даоқуй ноябрь ойи бошларида Пекин томонининг ушбу минтақага 100 миллиард доллар миқдорига ёрдам кўрсатишга тайёрлигини билдирди, фақат Европа барқарорлик жамғармаси орқали бериши маълум қилди.

Жорий йилнинг уч чораги якунига кўра, ўзаро савдо айланмаси 422 миллиард долларга тенг бўлди. Бу мамлакатларга савдо ҳажмининг 15,7 фоизи демакдир. Ҳозир Хитой 3,2 триллион доллар хориж валютасига эга. Шундан чорак қисми еврога тўғри келади. Хитой ва Европа Иттифоқи делегациялари ўртасида бўлиб ўтган навбатдаги мулоқотда расмий Пекин барқарорлик жамғармасига юз миллиард доллар миқдорига маблағ ўтказиши мумкинлигини ҳам маълум қилган. Катта йигирмалikka аъзо мамлакатлар раҳбарларининг Каннда бўлиб ўтган саммитида ХХР раиси Ху Цзиньтао маъруза қиларкан, Европа ўз муаммосини ўзи ҳал қилишга қодир, деган фикрларни билдирди. Албатта, Хитойнинг илгари сураётган талаб-шартларини, тушунса бўлади. Маълумки, яқинда Европа мамлакатлари қарз ботқоғида ботиб қолган Грециянинг 50 фоизлик қарзидан кечди. Шунинг учун ҳам ана шу ноҳуш ҳолат қайтарилмаслиги мақсадида Хитойга Халқаро валюта жамғармаси кафолати керак бўлади. Хитой расмийларининг биз оғир аҳволда қолган давлатларнинг жонига оро киришни истаймиз, лекин, биз хайрия ташкилоти эмасмиз, деган фикрлари ҳам янграмоқда. АҚШ Халқаро валюта жамғармаси инқирозга учраган мамлакатларга ўз ёрдамини таклиф этаётган пайтда маълум шартларни илгари суради. Хитой ҳам ана шундай йўл тутмоқда.

ХХР ҳозир Халқаро валюта жамғармасидаги ўз нуфузини кенгайтирмоқчи, қолаверса, миллий валюта юанни SDR саватчасидан ўрин олишни хоҳлайди. Маълумки, SDRга 4 та валюта — доллар, евро, иена ва фунт стерлинг киритилган. Хитой валютасининг кучайиши, албатта, АҚШ ва Европа Иттифоқи манфаатларига тўғри келмайди ва долларга ўзини салбий таъсирини кўрсатиши ҳам турган гап. АҚШ ва Хитой юаннинг ревальвация қилиниши оид масалада муроСага келолмапти. Шу йилнинг апрелида АҚШ Федерал захира тизими юанни валюта манипуляторлари сифатида қабул қилиш масаласи бўйича бир тўхтамга келиши керак эди. Ана шу масала ҳал қилиниши арафасида Хитой расмийлари компанияларда стресс-тест ўтказишга киришди. Унда маълум бўлишича, кўпчилик муассасалар 3-5 фоизлик нумдорликка эга бўлиб турган пайтда Хитой валютасининг ўсиши улар даромадига жиддий зарар етказар экан. Юань курсининг бир фоизга кўтарилиши маҳаллий экспортчилар топаётган фойданинг бир фоизга камайишига олиб келади. Пекиндагилар вазиятчи ҳолисона баҳолагандан сўнг бу режадан қайтишга қарор қилинди. АҚШ ҳам ўз навбатида бу масалани ҳозирча кун тартибидан олиб қўйди.

Президент Барак Обама ва ХХР давлат кенгаши раиси Вэнь Цзябао учрашувида ўтган йилнинг февраль ва апрелида Хитой савдо баланси сальдосини кўрсаткичга тушиб қолганига эътибор қаратилди. Барча муаммоларга чек қўйилгач, орадан кўп ўтмай, ушбу савдо сальдосида ўсиш кўзга ташланди. БРИКС ташкилотига кирувчи Бразилия, Россия, Хиндистон, Хитой ва Жанубий Африка Республикаси раҳбарлари ҳам евроҳудуддаги вазиятни чуқур таҳлил қилиб тегишли қарор қабул қилди. Улар ҳам Европанинг чигал вазиятдан чиқиб кета олишига ишонч билан қарашмоқда.

Сайёрамиздаги ҳар бир халқ, мамлакат ўз анъана ва тарихига эга. Айниқса, Венгриянинг кўҳна мейморий обидалари, ўрта асрларда қурилган ажойиб қаср ва муҳташам саройлари бугун ҳам дунё сайёҳларини ўзига раб этиб келмоқда.

Венгрияда бир қатор мусиқа фестиваллари, театр ва рақс томошаларининг ўтказилиши шунчаки тасодиф эмас. Негаки, Венгрия қадим замонлардан бери мусиқа ва рақс ниҳоятда ҳисобланади. Мамлакатнинг деярли барча байрамлари оммавий миллий рақсларсиз ўтмайди. Дунёга машҳур «Чардаш» номли оташ ўйини бугунги кунда мамлакатнинг барча ҳудудларида севиб ижро этилади. Ушбу рақснинг мусиқаси венгриялик машҳур композитор Ференц Лист томонидан қайта ишлангач, халқнинг дилдан чуқур жой эгаллаган.

Мусиқа фестиваллари ҳақида гап кетганда, хатто Европада энг йирик ҳисобланган — Сигет байрамига тўхталишни жоиз топдик. Негаки, бу байрамга дунё сайёҳларининг ҳеч бири беътибор қарамайди. Бир ҳафта давом этадиган мусиқий фестиваль Дунё дарёсида

боқилган. Айниқса, от уюрини бошқариб кетаётган отбоқарнинг елкасидаги оқ чакмони ва бош кийими дунёнинг ҳеч бир миллатида учрамайди.

БАБОЛНА

Венгриянинг Баболна ҳудудида яшовчи аҳоли азалдан от боқиш билан шуғулланиб келган. Иосиф II даврида от заводини асос солинган ва ўша даврнинг ўзидаёқ Баболна дунёга танилган. Хатто, катта байрам парадларида қатнашиш учун айнан шу ердан отлар олиб кетилган. Бу ердаги ҳамма нарса отлар билан боғлиқ. Масалан, XVII асрда қурилган ибодатхона ёнида урушларда ҳалок бўлган отларга атаб хайкал қўйилган. Чикотелепи кўчасидаги ботаника боғида эса номдор отларнинг қабристонини бор. Бу ердаги ов ва отлик экипажлар музейи ҳам сайёҳларга отлар тарихи ҳақида қимматли маълумотларни бериб келмоқда.

СИГЛИГЕТ

Сиглигет шаҳрида Венгриянинг кўлаб адабиёт намоёндалари туғилиб, вояга етган.

Шу боис, шаҳарнинг бош майдонидagi XIX аср бошида қурилган «Эстерхазини» саройи ҳозирда ёзувчиларга ижод уйи сифатида берилган. Сарой боғида бир қанча ноёб ўсимликлар ва ёши юз йилдан ошган дарахтларни учратиш мумкин. Саройнинг кириш қисмида эса XVIII асрда қурилган Офалу қишлоғи харобалари сақланиб қолган. Тарихий манбаларда қайд этилишича, Сиглигет саройлари Паннонхалма аббатлиги (1262

йил) даврида барпо этилган. 1702 йилга келиб улар вайронга айланган. Ҳозирда бу ҳудудда археологик қазилма ишлари олиб борилмоқда.

БУДАПЕШТ

Венгриянинг пойтахти Будапештда тарихий ёдгорликлар шу қадар кўпки, беихтиёр уни Шарқий Европанинг «Парижи» деб ҳам аташ мумкин. Тарихдан маълумки, 1872

йилда учта тарихий қисми — Буда, Пешта ва Обуданинг бирлаштириш натижасида Будапешт шаҳрига асос солинган. Айрим манбаларда қайд этилишича, илк бор 1148 йилда бу шаҳар кельтлар манзилгоҳи бўлган. 1242 йилда шаҳар мўғул-татар босқинчилари томонидан вайронга айланган. 1350 йилдан бошлаб эса Буда пойтахт шаҳар макомини олгач, Венгрия қиролларининг қароргоҳига айланган.

Будапешт шаҳри кўлаб мейморий ёдгорликлари ва ўзининг гўзал ва ҳушманзара табиати билан ажралиб туради. Шаҳарда тарихий шаҳарга бағишланган хайкал, бино ва фаввораларни кўлаб учратиш мумкин. Масалан, Ференциек майдоғидаги 1835 йилда сув тошқини қахрамони шарафига қурилган Нерейд фавворасини кўриш учун атайин бошқа мамлакатлардан сайёҳлар келиб туришади.

Дунай дарёси соҳилидан жой олган Будапештнинг саккизта кўприги шаҳарга ўзгача кўрк бағишлаб туради. Энг биринчи қурилган Занжир кўприк мамлакатнинг миллий рамзи ҳисобланади. Будапешт аҳли уни ниҳоятда қадрлайди, яхши кўради. Шу боис, ҳар йили «кўприкнинг туғилган кунин» анъанавий тарзда нишонланади. 1999 йили кўприкни 150 йиллиги катта шодийнага айланиб кетган эди. Мазкур кўприк лойиҳасини англиялик мутахассис Вильям Кларк чизган. Унинг фамилиядоши, шотландиялик Адам Кларк (1839-1849) эса кўприк ва тоғ орасидан ўтган тунелнинг қурилишига бош-қош бўлган. Кўприкни неча йиллардан буён содиқлик билан «кўриқлаб» келаётган шер хайкали эса мамлакат тарихида юз берган барча воқеаларга гувоҳ бўлиб келмоқда.

Махфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, «Milliy tiklanish» муҳбири



Иқтисодий бўҳрон пайтида

Марио Монти Италиянинг янги Бош вазири бўлди.

Еврокомиссиянинг собиқ аъзоси, профессор Марио Монти Италия Бош вазири лавозимига расман илгари сурилди. Италия президенти Жоржо Наполитанонинг ўтказган кўп соатлик маслаҳатлашувидан сўнг шундай қарорга келинган. Касби иқтисодчи бўлган янги вазири телевидение орқали чиқишида молиявий вазиятни соғломлаштириш, иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини ошириш ва ижтимоий тенглик масалаларига эътибор қаратишини таъкидлаган. «Биз болалар олдида ҳам бурчлимиз. Биз уларга порлоқ ҳаёт ва умидли келажак яратишимиз лозим», деди 68 ёшли янги Бош вазири.



Халқ учрашуви олдида

Афғонистонда ҳукумат биносини портлатиш ҳаракати тўхтатилган.


Афғонистон расмийлари шу ҳафтада ўтказилиши кўтилаётган ҳукумат доирасидаги учрашув ёқинида эҳтимолий портлашнинг олди олинганини маълум қилишган. Ички ишлар вазирлиги матбуот вакилининг фикрича, портловчи модда солинган халтани олиб келган шахс учрашув белгиланган чодирлардан бирида қўлга олинган. Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг 16 ноябрь кунини Қобулда афғон ҳукумати ва Толибон ўртасида музокара ҳамда АҚШ билан узоқ муддатли муносабатлар муҳокамасига қаратилган Лоя Жиргада бўладиган халқ учрашуви бошланади.



Муваффақият калити нимада?

Пападимос парламентда чиқиш қилди.

Грециянинг янги Бош вазири Лукас Пападимос лавозимга тайинланганидан бери илк марта парламент олдида чиқиш қилган. Л.Пападимос грек депутатларига ўз ҳукуматиининг ЕИ тасвири ва келишувларини бажариш лозимлигини айтган. Янги Бош вазири грекларнинг евроҳудудда қолиши муваффақият калити эканини таъкидлади. Пападимосга кўра, Греция қарз ботқоғидан қутулиш йўлида ҳаракат қилган бўлса-да, хали маррага узоқ. Бугун Греция парламентида янги Бош вазири унинг дастурига ишонч билдириш масаласи овозга қўйилади.



Эркин савдо ҳудуди

Обама Тинч океани минтақасида эркин савдо ҳудуди яратилиши тақлиф қилган.

АҚШ президенти Барак Обама дунё иқтисодиёти суст ўсишига барҳам бериш учун Тинч океани минтақасида эркин савдо ҳудуди яратиш кераклигини айтган. Обама буни АПЕК, яъни Осиё Тинч океани лидерлари учрашувида айтди. Хаваи учрашувидан кейин АҚШ президенти Тинч океани минтақасида жойлашган давлатларга сафар бошлади.

Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

**МАДАНИЯТ
ХАБАРЛАРИ**

**"Тарихингдир
минг асрлар..."**

Тошкент Давлат маданият институтида мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган адабий-бадий кеча ўтказилди.

Унда институтнинг профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлари иштирок этишди. Кеча доирасида Ўзбекистон халқ шоирлари Эркин Воҳидовнинг "Ўзбекигим" қасидаси ҳамда Хуршид Давроннинг "Ватан ҳақида етти ривоят" шеърининг достонининг сахнавий талқини намойиш этилди. Институт талабалари ижросида янграган куй-қўшиқлар барчага манзур бўлди.

**Мозий ва
замонавийлик**

Ўзбекистон Миллий университети қошидаги 2-сонли академик лицейда "Миллий урф-одатларимиз ёшлар нигоҳида" мавзусида фестивал бўлиб ўтди.

Университет ва академик лицей қошида фаолият юритаётган миллий жамоа ва тўғарақлар, билим даргоҳларининг профессор-ўқитувчилари, ёшлар иштирок этган фестивалда миллий рақс ва фольклор жамоалари ҳамда якхона хонандаларнинг бадий чиқишлари намойиш этилди. Айниқса, ёшлар иштирокидаги "Бухоро мавриғиси", "Фарғона халқ фольклори", "Сурхон наволари", хоразмча куй-қўшиқ ва рақслар йиғилганларга бирдай манзур бўлди.

**"Янги авлод —
2011"**

Ўзбекистон Давлат Консерваториясида "Янги авлод — 2011" болалар ижодиёти республика фестивалининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

Фестивалнинг Тошкент шаҳар босқичи юксак савия ва кўтаринки руҳда ўтказилди. Унда олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган қатнашчилар мусиқа чолғулари ижрочилиги, хонандалик, тасвирий ва амалий санъат, хореография, бадий ижод каби йўналишларда ўз маҳоратларини намойиш этидилар. Танловнинг республика босқичига йўланмани қўлга киритган ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

"Туркистон-пресс"

КЎЗГҮ

КАДРИЯТ

Орзулари бир олам қиз

МИЛЛИЙ КАШТАЧИЛИГИМИЗ ДУНЁ КЕЗМОҚДА



Ўзбек миллий матолари — адас, атлас, шойи ва улардан тикилган ва тўқилган миллий либослар, шунингдек, кашта, сўзана, гилам минг йиллардан буён дунёни лол қолдириб келаётган Буюк Ипак йўлининг асосий маҳсулотлари ҳисобланган. Айниқса, миллий либослардаги гўзал, мафтункор, жозибали ва бетакрор ранглар, нақшлар уйғунлиги ҳеч кимни бефарқ қолдирмаган. Соф ипак мато ва табиий бўёқлардан яратилган либослар эса инсон саломатлиги учун фойдали бўлиб, ҳаво ўтказувчанлиги ҳисобига иссиқда танани салқин тутган, ҳатто айрим касалликлардан сақлаган.

Ўзбекистонда ҳунармандчилик қадимдан ривожланган бўлиб, ҳар бир вилоятнинг ўз услуби мавжуд. Нақшларга қараб Нурота, Бухоро, Шаҳрисабз, Тошкент, Фарғона, Хоразм, Сурхондарё мактаблари шаклланган. Ҳар бир мактаб ўз нақши, ранги, гуллари билан бошқаларидан фарқ қилган. Матолар учун қўлланиладиган ранглар ҳам табиий ҳисобланиб, турли ўсимликлардан олинган. Балки шунинг учун бир неча асрлар ўтишига қарамай миллий матоларимиз, кийимларимизни бутун дунё ахли эътироф этмоқда.

Момоларимиздан мерос қолган каштачилик, попопчилик санъат даражасига олиб чиқиб, бутун дунёни лол қолдираётган ёшлар орасида журналист бўлишни орзулаган Нарғиза Шерхожиева ҳам бор.

— Каштачиликка бўлган қизиқиш ёшлигимдаёқ уйғонганди, — дейди Нарғиза. — Онамнинг оналари, яъни бувим попогда дўппи тикардилар. Уларнинг ишларини кузатишни яхши кўрардим. Дўппилардаги меҳр билан тикилган гуллар, уларнинг қўл ҳаракатлари мени сеҳрлаб кўярди гўё. Бундай гўзалликни инсон кўли ярата олишидан ҳайратланардим. Шу қизиқиш сабаб мактабни битириб, касб-ҳунар коллежига ўқишга кирдим. У ерда "Каштачи-попопчи-

тикувчи" йўналишида тахсил олдим. Коллежга илк келганимда биздан катта курсдаги талабаларнинг ишларини кўриб, бу касбга меҳрим янада ортди. Ўқишни битиргач бир неча йил давомида ўз устимда ишлаб, малака оширдим. Шу ўринда устозим Илҳом Давлетов ҳақида гапиришни лозим деб биламан. У кишининг қўлларидан кашта, сўзана тикиши, уларнинг фарқларини ўргандим. Табиий бўёқлардан фойдаланиш, ижодий нақшлар яратиш, миллий матоларни замонавий андозада чиқиш услублари, уларнинг сирларидан воқиф бўлдим.

— Журналист бўлиш орзулигича қолдим?

— Ҳақиқатан, журналист бўлишни орзу қилардим. Одамлар билан суҳбатлашиш, уларнинг ҳаёти, ижодини ёритиш, инсонларга яхшилик улаштишни истардим. Аммо онамга бу касбни танлашим маъқул келмади. Ҳозир ҳам журналистларга ҳавасим келади. Бироқ шуғулланаётган ишим билан фахрланаман. Сабаби каштани шунчаки безак эмас, уни ўзбек халқининг юксак бадий дидга эга эканлигини кўрсатиб берувчи омил, деб биламан.

Каштачиликда босма, йўрма сингари кенг тарқалган чок тикиш услублари мавжуд бўлиб, Нарғиза бизгиз ёрдамида йўрма услубида сўзаналар тикади,

либослар яратади. — Ҳар бир либосим устидан ойлаб, йиллаб ишлайман, — дейди у. — Уларда акс этадиган гуллар, нақшларни аввал чизиб оламан, сўнг тикаман.

Нарғизанинг ишларини томоша қиларкансиз, унинг ички олами яратган нафис гуллари, ранг-баранг нақшларида намоён бўлганини сезасиз. Табиатан интилувчан, қийинчиликлардан кўрмайдиган Нарғизанинг миллий матолардан замонавий услубда тикаётган либослари ҳар қандай қиз кўнглига ёқиб табиий.

Босма услубидаги каштачилик пойтахтда деярли йўқолиб бораётганини кузатиш мумкин. Бунинг олдини олиш мақсадида у ўшбу услубга янглик киритиб, нақш ва гуллари замонавий руҳда безатишга ҳаракат қилади.

Нарғиза бир неча йиллардан бери "Хунарманд" уюшмаси аъзоси бўлиб, турли кўргазмаларда фаол иштирок этмоқда. 2008 йил бўлиб ўтган "Навқирон Ўзбекистон" III анъанавий ва замонавий санъат фестивали сертификати билан тақдирланган. 2010 йил "Style.uz" мода ҳафталигининг грант соҳиби, шу йили ЮНЕСКО томонидан ўтказилган трениннинг сўзаналар дизайни бўйича сертификат соҳиби бўлган. Бу йил ҳам Нарғиза "Style.uz" мода ҳафтали-

гида ўз ишлари билан иштирок этди. Аёллар учун яратилган 9 та кийимдан иборат коллекцияси нафақат юртдошларимиз, балки чет эллик меҳмонлар, мутахассислар олқишига ҳам сазовор бўлди.

— Бу йилги коллекциям бошқаларидан фарқ қилади, — дейди у. — Сабаби, бу сафар фойдаланган матоларим 50-100 йил аввалги матолар эди. Кўпроқ қизил рангдан фойдаланиб, замонавий либосларга кашта тикдим.

Унинг ишлари юқори баҳолалиб, бу йил ҳам диплом билан тақдирланди. Бу бежиз эмас, албатта. Нарғизани ҳар куни "Зеб ичра зийнат" ("Интерконтиненталь" меҳмонхонаси ёнидаги "Тошкент плаза" савдо уйи биносида) халқ амалий санъати марказида учратасиз. У яқка тартибдаги уста-хунарманд сифатида фаолият юритади. Республикаимизнинг турли бурчакларидан аёллар, опа-сингиллар ундан каштачиликнинг сир-асрорларини ўргангани келишади.

— Юздан ортиқ шогирдларим каштачилик билан шуғулланишади, — дейди у. — Уларга бу касбнинг сирларини ўргатишни яхши кўраман. Сабаби, қизларимиз ўзлари, яқинлари учун миллий матолардан либослар яратсалар, аёлларнинг эғнида миллийлик акс этган кийимларни кўрсам хурсанд бўламан.

Унинг орзулари бир олам. Буюк Ипак йўли меросининг давомчиси бўлишни орзулаётган Нарғиза Шерхожиева миллий матоларимизни, кашта, сўзаналарни санъат даражасида яратиш, халқаро кўргазмаларда иштирок этиш ниятида. Бундан ташқари, саноат даражасида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни экспорт қилишни истайди. Шу орқали янги иш ўринлари яратиб, момоларимиздан мерос касбни авлодларга етказишни орзулайди. Орзулари бисёр қизнинг ниятлари ўзига йўлдош бўлсин деймиш.

Адибахон РАҲМАТУЛЛАЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири



ЯКУН

Ҳаваскорлик театрлари фестивали

театрлари фестивалини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — аҳолини ҳаваскорлик театр жамоалари ижоди билан яқиндан таништириш, уларга профессионализм нуқтаи назаридан имкон қадар амалий-услубий томонлама кўмак беришдан иборатдир.

Маъмур фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан 13 та ҳаваскорлик жамоалари ўз сахна асарлари билан иштирок этишди. Уларнинг

чиқишлари нуфузли ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан баҳолаб борилди. Шунга кўра, Хўжайли туман маданият уйи қошидаги халқ театри (Қорақалпоғистон) ва Қоровулбозор туман Марказий маданият уйи қошидаги "Сардоба" ҳаваскорлик драма театри (Бухоро) — "Замон талабига жавоб берадиган долзарб мавзунга акс эттиргани учун", Жарқўрган туман маданият уйи қошидаги халқ теат-

ри (Сурхондарё), Ҳазорасп туман маданият уйи қошидаги халқ театри (Хоразм) ҳамда Вобкент туман Марказий маданият уйи қошидаги халқ театри (Бухоро) — "Одам савдоси ва гиёвхандликка қарши кураш мавзусини ёритгани учун", Навоий шаҳар "Нихол" театри жамоаси — "Миллий кадрлар ва аъёнларни тарғиб этувчи сахна асари учун" номинациясида ғолиб бўлди.

Нуржон НИБЕЗОВА

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ юртимизда миллий қадрият, маънавий ва маданий бойликларимизни тиклаш, бойитиш, асраб-авайлаш, уни келажак авлодларга бекаму кўст етказишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, театр санъатини ҳар томонлама ривожлантириш, халқимиз орзу қилган мазмунан бой, долзарб масалаларни ёритиб берадиган мукамал асарларни сахнага олиб чиқиш учун етарли имконият ва шарт-шароитлар яратиб берилди.

Бугун республикамизда мавжуд профессионал театрлар каторида 46 та халқ ҳаваскорлик театрлари фаолият кўрсатади. Шу йилнинг 10-11 ноябрь кунлари

"Кўхна ва боқий Бухоро" мажмуасидаги Бухоро вилоят мусиқали драма театрида "Ҳаваскорлик театрларининг Республика фестивали" бўлиб ўтди. Ҳаваскорлик

Шоҳ деди: лутфи азалдир яхшилик, ўрнида эрса, гўзалдир яхшилик.

Гар ариқ бўйида яшнаб турса гул, Маълум ўлгайким, тўлодир сувга ул.

БИЛАСИЗМИ?

Немис фотосуратчиси томонидан 1999 йили ишланган "Рейн дарёси" сурати Нью-Йорк аукционига чоғида рекорд баҳо — 4,3 миллион АҚШ долларига сотилди.

Google дунё боғларини ўзида жамлаган Google Street View фотогалереясини яратди. Унга кирган ҳар қандай инсон Мадрид, Токио, Лондон ва Нью-Йоркдаги машҳур боғлар бўйлаб виртуал саёҳат қилиши мумкин.

ТУРФА ОЛАМ

Сувости кўприк

ГОЛЛАНДИЯДА XVII АСРГА ТЕГИШЛИ ҚЎРФОНГА ОЛИБ БОРУВЧИ ЯНГИ СУВОСТИ КЎПРИГИ ҚУРИЛДИ.

Манбада келтирилишича, ўшбу кўприк сайёҳларга янада қулайлик яратиш мақсадида қурилган. Бу билан архитекторлар кўхна иншоотнинг асл қиёфасини ҳам сақлаб қолишга муваффақ бўлишган. Деярли кўринмай-диган сувости кўприк — асооу, яъни, сувга чидамли, қайта ишловдан ўтказилган ёғочдан ясалган. Яқинда эса голланд архитекторларининг антика кўприги Dutch Design Awards-2011 танловидан йилнинг энг яхши курилмаси, деб топилди.



Юра даврига саёҳат

ИТАЛИЯ ПОЙТАХТИДА "ДИНОЗАВР КУНЛАРИ" ДЕБ НОМЛАНГАН КАТТА КЎРГАЗМА ИШ БОШЛАЙДИ.

Кўргазма шу йилнинг 18 ноябрдан 2012 йилнинг 18 январига қадар давом этиши кўзда тутилган. Лабиринт усулида жойлаштирилган 50 дан ортиқ динозаврлар энг сўнгги замонавий техникалар ёрдамида ясалган. Шунингдек, экспозициялар Юра даврига оид ўсимлик ва манзаралар билан ҳам бойитилган. Лабиринтнинг чиқиш қисмидан жой олган биргина гигант динозавр энига 13 метр бўлиб, бўйи 9 метрга етади. Айрим динозаврлар ростирамага ўқариши, ҳатто, қўл ва оёқ панжаларини қимирлата оларкан. Ташкилотчиларнинг айтишича, маъмур экспонатларни ясашда тажрибали палеонтологлар яқиндан ёрдам беришган.



Оканаган махлуқи

БРИТАНИЯ КОЛУМБИЯСИ (КАНАДА) АҲОЛИСИ МАҲАЛЛИЙ ОКАНАГАН КЎЛИДА СИРЛИ ЛОХНЕСС МАХЛУҚИНИ КЎРИШГАН.


Буни қарангки, улар афсонавий махлуқни суратга олишга ҳам улғуришибди. Мутахассислар тасвирларни синчиклаб ўргангач, маҳаллий аҳоли хулоса қилишга андек шошилганини айтишмоқда. Уларнинг фикрича, Оканаган кўлида сузиб юрган балиқнинг Лохнесс махлуқига умуман алоқаси йўқ эмиш. Балиқ катта ва узун бўлгани боис, одамлар уни афсонавий махлуққа ўхшатиб юборишган кўринади. Бунда маҳаллий аҳолини айблаш ҳам ноўрин. Чунки, шу пайтгача қўл сувларида бундай улкан балиқ сира учрамаган.



"Эртанги кун музейи"

БРАЗИЛИЯНИНГ РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО ШАҲРИДА ЯНГИ ЛОЙИҲА АСОСИДА МУЗЕЙ ҚУРИЛИШИ БОШЛАДИ.

Маъмур музей қурилиши Porto Maravilha лойиҳасининг бир қисми бўлиб, у порт-шаҳарга келувчи сайёҳлар оқими янада кўпайтириш, шунингдек, бу ердан кўчиб кетган аҳолини ортага қайтариш мақсадида амалга оширилмоқда. "Эртанги кун музейи" бошқа музейлардан фарқли ўлароқ, асосан иқлим ўзгаришлари, сайёраимиз аҳли, яшаш даражаси ва инсон умрининг давомийлиги, ҳаёт ва давр янгиликларидан бохабар этиб боради. 2014 йили фойдаланишга топширилиши кутулаётган музей тахминан 15 минг квадрат метр майдонни эгаллайди.



З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади